

Акмал Саидов

# ЎЗБЕГИМНИНГ ЭРКИН ЎЗБЕГИ



ЎЗБЕГИМНИНГ  
ЭРКИН ЎЗБЕГИ



«Халқимизга, Фарғона аҳлига хос барча эгу фазилатларни ўзида мужассам этган улуғ инсонлар ҳақида фикр юритганда атоқли шоир, давлат ва жамоат арбоби, Ўзбекистон Қаҳрамони Эркин ака Воҳидовни эҳтиром билан эслашимиз табиийдир... Ўзининг дурдона асарлари билан адабиётимиз хазинасига бебаҳо ҳисса қўшган, халқимизнинг маънавий оламини, миллий ғурур-ифтихорини юксалтириш йўлида унутилмас хизмат қилган бу улкан ижодкоримизнинг хотирасини абадийлаштириш, ижодий меросини чуқур ўрганиш, ёшларимизга етказиш барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарздир».<sup>1</sup>

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти**

---

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – Б.46.







**Акмал Саидов**

**ЎЗБЕГИМНИНГ  
ЭРКИН ЎЗБЕГИ**

Тошкент  
«Академнашр»  
2018



УЎК: 821.512.133-94

КБК: 84(5Ў)

С 21

С 21 Саидов, Акмал.

Ўзбегимнинг эркин ўзбегини [Матн] / А.Саидов.  
– Тошкент: Akadernashr, 2018. – 192 б.

ISBN 978-9943-5455-0-2

УЎК: 821.512.133-94

КБК: 84(5Ў)

*Қўлингиздаги китобдан узоқ йиллар Олий Мажлис депутати сифатида ардоқли шоиримиз Эркин Воҳидов билан бирга фаолият юритган, олис ва яқин сафарларда ҳамроҳлик қилиб, ҳаётда доимо ўзаро дўст ва дилкаш ҳамсуҳбат бўлган инсон – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги, юридик фанлар доктори, профессор Акмал Саидовнинг устоз билан 20 йилдан ортиқ даврдаги мулоқотлари асносида турли йилларда қозоғга туширилган эссе, мақола ва хотиралари жой олган.*

*Кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.*

Масъул муҳаррир:

**Иброҳим Фафуров**



ISBN 978-9943-5455-0-2

© Акмал Саидов  
«Ўзбегимнинг эркин ўзбегини»  
© «Akadernashr», 2018

*...Қайга бормай, бошда дуппим,  
Фоз юрарман фахр этиб,  
Олам узра номи кетган  
Ўзбекистон, ўзбегим.*

*Бу қасидам сенга, халқим,  
Оқ суту туз ҳурмати,  
Эркин ўғлингман, қабул эт,  
Ўзбегим, жон ўзбегим.<sup>1</sup>*

**Эркин ВОҲИДОВ**

---

<sup>1</sup> Воҳидов Э. Ўзбегим // Воҳидов Э. Тула асарлар туплами. К.1. Баҳор таровати: шеърлар, таржималар, дostonлар. Олтин девор: комедия. – Тошкент: Sharq, 2015. – Б.212.

## «БОҒНИНГ ВАТАН ДЕГАН НОМ ОЛСИН, ЭЙ ДЎСТ»

(Ушбу китобнинг нашрга  
тайёрланиши сабаблари  
ҳақида)

Яқинда хизмат сафари билан Фарғонага борганимда кейинги йилларда мамлакатимизнинг бошқа ҳудудлари қатори ушбу вилоятда амалга оширилган кенг кўламли бунёдкорлик ишларининг беқиёс самараларини кўриб қувондим. Айниқса, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан эндиликда Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов номи билан аталаётган Марғилон шаҳридаги маданият ва истироҳат боғининг майдони 9 гектардан 16,7 гектарга кенгайтирилгани таҳсинга лойиқ.

Боғ марказида сеvimли шоиримизнинг муҳташам ҳайкали ўрнатилган. Бу ерда, шунингдек, замонавий меъморчилик андазалари асосида:

Эркин Воҳидов номидаги ижтимоий фанлар йўналишидаги истеъдодли ёшлар мактаб-интернати;

Эркин Воҳидов мемориал музейи;

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими биноси;

Нуронийлар маскани, турли тадбирлар ўтказишга мўлжалланган улкан амфитеатр қурилган.

Президентимиз таъбири билан айтганда, Марғилонда янги маънавият ўчоғи барпо бўлибди. Бундан буён ёшлар маънавий-руҳий дунёқарашини юксалтирадиган ушбу қутлуғ масканга келувчилар, хусусан, Фарғона вилоятида бир йилда икки марта ташкил этиладиган «Воҳидовхонлик кунлари» иштирокчилари Эркин Воҳидов шеърларидан баҳраманд бўлиб, маънавий оламини янада бойитишига не етсин!

Латиф гўша бўйлаб кезар эканман, боғ аро ўзбек адабиёти ва маданияти ривожига унутилмас ҳисса қўшган ҳассос шоиримизнинг, улуғ шоирнинг ўлмас дилбар сатрлари ўз овозида янграй бошлади:

### Бир ниҳол

*Юртдошим, богингга бир ниҳол қада,*

*Бу ниҳол номини яхшилик ата.*

*Ниҳолинг ёнига бир гул экиб қўй,*

*У гулнинг исмини гўзаллик деб қўй.*

*Гулу ниҳолингга бахш этиб ҳаёт,*

*Сув бер ва бу сувга меҳр деб қўй от.*

*Сендан фарзандингга бог қолсин, эй дуст,*

*Богинг Ватан деган ном олсин, эй дуст.*

## Камтарлик ҳақида

*Гарчи шунча магрур турса ҳам,  
Пиёлага эгилар чойнак.  
Шундай экан, манманлик нечун,  
Кибру ҳаво нимага керак?  
Камтарин бўл, ҳатто бир қадам  
Ўтма гурур остонасидан.  
Пиёлани инсон шунинг-чун  
Ўпар доим пешонасидан.*

## Мен жилғаман

*Мен жилғаман,  
Дарё бўлиб тўлгим келади,  
Она юртим,  
Сенга ўғлон бўлгим келади.  
Бугун сенга  
Фақатгина шеър багишладим.  
Керак бўлса,  
Жонни фидо қилгим келади.*

## Бизни буюк ишлар кутмоқда

*Адлпеша Ануширвоннинг  
Доно қули тонг отар чоғда  
Айтар экан: Шоҳим, уйгонинг,  
Сизни буюк ишлар кутмоқда.*

*Шоир, юртинг қад кутарган пайт,  
Дунё таниб турган бу чоғда  
Доно қул бул, Ватанинга айт:  
Сени буюк ишлар кутмоқда.*

### **Гўзаллик**

*Мулки борлиқ ичра бир маҳал  
Кўркисизгина олам яралган.  
Бермоқ учун дунёга сайқал  
Олам ичра одам яралган.*

*Шундан бери инсон тинмайин  
Шу ер узра тер тукар ҳамон.  
Ерни гўзал қилгани сайин  
Гўзал бўлур узи ҳам инсон.*

### **Қуллуқ қил демасман**

*Қуллуқ қил демасман, юрт тупрогин ун,  
Унга қуллар эмас, фидолар керак.  
Унинг сену мендек шоирлари кун,  
Буюк элга энди даҳолар керак.*

*Қаддингни баланд тут, бўлма сертаъзим,  
Чуққи бўлмасанг ҳам, маҳкам қоя бул.  
Пиллапоя бўлдим сенга, азизим,  
Сен ҳам гал келганда пиллапоя бул.*

Шоир ижодининг асосий қисмини ташкил этган ватанпарварлик, эзгуликка, гўзаллик ва яратувчанликка ундовчи сатрлар беихтиёр хаёлимдан кечди.

Ардоқли шоир ва адиб хотирасини абадийлаштириш борасидаги бундай залворли ишлар ҳақида сўз борганда, авваламбор, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 7 декабрдаги «Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов таваллудининг 80 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарори қабул қилиниши мамлакатимизда миллий адабиётга, маънавиятга юксак эътиборнинг яна бир ёрқин ифодаси бўлганини алоҳида таъкидлаш лозим. Мазкур ҳуқуқий ҳужжат замонавий ўзбек адабиётининг забардаст вакили ижодий меросини кенг ўрганиш, унинг мазмун-моҳиятини ёшларга етказишда муҳим аҳамият касб этди.

Маълумки, Эркин Воҳидов XX аср ўзбек шеърятининг йирик намояндаси сифатида ўзининг ибратли ҳаёт йўли, бадий ижоди ва ижтимоий-сиёсий фаолияти билан миллий адабиётимиз ва маданиятимиз ривожига, халқимиз маънавиятини юксалтиришга улкан ҳисса қўшди. Эркин ака ватанпарварлик, халқимиз тарихи ва буюк аждодларимиздан фахр-ифтихор туйғулари мадҳ этилган «Тонг нафаси», «Қўшиғим сизга», «Ақл ва юрак», «Менинг юлдузим», «Ёшлик девони», «Тирик

сайёралар», «Шарқий қирғоқ», «Келажакка мактуб» каби шеърӣй тўпламлари, «Нидо», «Қуёш маскани», «Руҳлар исёни», «Кўҳинур» каби дostonлари, «Олтин девор», «Истанбул фожиаси» сингари саҳна асарлари, «Сўз латофати» бадий рисоласи, Йохан Вольфганг Гёте, Виктор Гюго, Александр Блок, Сергей Есенин, Михаил Светлов каби жаҳон адабиётининг мумтоз намояндалари меросидан қилган таржималари билан ўзига хос ижодий мактаб яратди.

1986 йили Эркин аканинг икки жилдлик «Сайланма» асарлари чоп этилган бўлиб, 1-жилди «Муҳаббатнома», 2-жилди «Садоқатнома» деб номланган.<sup>2</sup> Истиқлол йилларида, хусусан, 2000 – 2001 йилларда адибнинг «Ишқ савдоси», «Шеър дунёси», «Умрим дарёси» номли китоблардан иборат уч жилдлик «Сайланма» асарлари нашрдан чиқди.<sup>3</sup>

Кейинги даврда Эркин Воҳидовнинг саккиз жилддан таркиб тошган «Тўла асарлар тўплами» нашр этилмоқда. Дастлабки тўртта

---

<sup>2</sup> Воҳидов Э. Сайланма. Ж.1. Муҳаббатнома: шеърлар / сўзбоши муаллифи И.Ғафуров. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1986. – 526 б.; Воҳидов Э. Сайланма. Ж.2. Садоқатнома: шеърлар, таржималар, дoston ва драма. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1986. – 528 б.

<sup>3</sup> Воҳидов Э. Сайланма. Ж.1. Ишқ савдоси / сўзбоши муаллифи И.Ғафуров. – Тошкент: Шарқ, 2000. – 476 б.; Воҳидов Э. Сайланма. Ж.2. Шеър дунёси. – Тошкент: Шарқ, 2001. – 352 б.; Воҳидов Э. Сайланма. Ж.3. Умрим дарёси. – Тошкент: Шарқ, 2001. – 400 б.



китоб умрнинг тўрт фаслини ифода этувчи ижод намуналаридан иборат бўлиб, 1-жилд «Баҳор таровати», 2-жилд «Ёз ҳарорати», 3-жилд «Куз саховати» ва 4-жилд «Қиш ҳаловати» деб номланган.<sup>4</sup>

Эркин Воҳидов «Тўла асарлар тўплами»нинг 5-жилди «Қалб садоқати» ва 6-жилди «Эрк саодати» деб номланади. Бу китобларда мақолалар, баҳслар, адабий ўйлар, суҳбатлар, шарҳлар, хотиралар ва «Дил тубига чўккан лаҳзалар» китобидан ўрин олган ҳикматли ёдномалар мужассамлашган.

Охирги икки жилд ўзбек таржима санъатида ўзига хос мактаб соҳиби бўлган устоз шоирнинг яхлит таржималарини ўзида қамрайди. Яъни 7-жилд улуғ немис адиби Йўхан Вольфганг Гётенинг машҳур «Фауст» асаридан иборат бўлса, 8-жилдга атоқли француз адиби Виктор Гюго, беназир рус шоирлари Александр Блок, Сергей Есенин, Михаил Светлов асарлари таржимаси жамланади.

Шу ўринда муҳтарам китобхонда улуғ адимизнинг умри давомида ҳамиша асарлари-


<sup>4</sup> Воҳидов Э. Тўла асарлар тўплами. К.1. Баҳор таровати: шеърлар, таржималар, дostonлар. Олтин девор: комедия. – Тошкент: Sharq, 2015. – 432 б.; Воҳидов Э. Тўла асарлар тўплами. 2-жилд. Ёз ҳарорати: шеърлар, дoston, фожеий комедия, таржима. – Тошкент: Sharq, 2015. – 416 б.; Воҳидов Э. Тўла асарлар тўплами. 3-жилд. Куз саховати: шеърлар, ҳажвий асарлар ва шеърый драма. – Тошкент: Sharq, 2016. – 344 б.; Воҳидов Э. Тўла асарлар тўплами. 4-жилд. Қиш ҳаловати: шеърлар, драма, адабий мақолалар. – Тошкент: Sharq, 2016. – 416 б.

га йул очиқ бўлган, улар бемалол чоп этилган, ижоди кенг тарғиб қилинган деган бир ёқлама фикр пайдо бўлмаслиги учун айрим мулоҳазаларни билдирмоқчиман.

Биринчидан, Эркин Воҳидовнинг «Рухлар исёни» достони, марҳум адабиётшунос олимиз Нажмиддин Комиловнинг «Бадий муъжиза»<sup>5</sup> мақоласини истисно қилганда, ҳалига қадар атрофлича таҳлил ва талқин этилмаган деган фикрдаман. Эркин ака таржимасидаги Гётенинг «Фауст» асари ҳақида ҳам худди шу гапни айтиш мумкин. Албатта, адабиётшунос ва таржимон Пошали Усмон ўғлининг ушбу таржима талқинига бағишлаб 1976 йили ёзилган «Журъати маҳоратига эш» мақоласи<sup>6</sup> бундан мустасно. Адабий давраларда айна шу масала кўтарилганида таниқли адабиётшунос олим Озод Шарафиддинов ҳам гўёки «Ушбу асарлар таҳлилига менинг кучим етмади» деган мазмундаги гап-сўзлардан нарига ўтолмай келаётганди. Шу маънода, филология фанлари доктори, профессор Умарали

<sup>5</sup> Комилов Н. Бадий муъжиза // То қуёш сочгайки нур. Эркин Воҳидов: ҳаёти ва ижоди замондошлари нигоҳида / нашрга тайёрловчи ва масъул муҳаррир И.Гафуров; тупловчилар Р.Мирзоҳид, Т.Мирзаев. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016. – Б.406 – 414.

<sup>6</sup> Пошали Усмон. Журъати маҳоратига эш // То қуёш сочгайки нур. Эркин Воҳидов: ҳаёти ва ижоди замондошлари нигоҳида / нашрга тайёрловчи ва масъул муҳаррир И.Гафуров; тупловчилар Р.Мирзоҳид, Т.Мирзаев. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016. – Б.415 – 431.



Норматовнинг «Рухлар исёни»нинг нурли толеи»<sup>7</sup> ҳамда ёзувчи Улугбек Ҳамдамнинг «Эркин Воҳидов ва унинг шоҳ асари ҳақида ёхуд жаҳолатга қарши исён»<sup>8</sup>, Ойдин Ҳожиёвнинг «Шоирлик фидойликдир»<sup>9</sup> номли салмоқдор мақолаларини ўқигач, кўнглим бир қадар хотиржам тортди.

Иккинчидан, таниқли француз адиби Виктор Гюгонинг «Шоҳона ишрат» драмаси анча йиллар илгари Эркин Воҳидов томонидан маҳорат билан ўзбек тилига таржима қилинганига қарамай, мазкур драма матни фақат 2002 йилга келибгина «Жаҳон адабиёти» журналида босилган.<sup>10</sup> Сўнгра 2014 йилгача ҳам бу таржима асар на алоҳида китоб ҳолида, на тўплам таркибида нашр этилган. Шунини ҳисобга олиб Устознинг ижозатига

<sup>7</sup> Норматов У. «Рухлар исёни»нинг нурли толеи // То қуёш сочгайки нур. Эркин Воҳидов: ҳаёти ва ижоди замондошлари нигоҳида / нашрга тайёрловчи ва масъул муҳаррир И.Ғафуров; тўловчилар Р.Мирзоҳид, Т.Мирзаев. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016. – Б.353 – 358.

<sup>8</sup> Улугбек Ҳамдам. Эркин Воҳидов ва унинг шоҳ асари ҳақида ёхуд жаҳолатга қарши исён // То қуёш сочгайки нур. Эркин Воҳидов: ҳаёти ва ижоди замондошлари нигоҳида / нашрга тайёрловчи ва масъул муҳаррир И.Ғафуров; тўловчилар Р.Мирзоҳид, Т.Мирзаев. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016. – Б.111 – 124.

<sup>9</sup> Ҳожиёва О. Шоирлик фидойликдир // То қуёш сочгайки нур. Эркин Воҳидов: ҳаёти ва ижоди замондошлари нигоҳида / нашрга тайёрловчи ва масъул муҳаррир И.Ғафуров; тўловчилар Р.Мирзоҳид, Т.Мирзаев. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016. – Б.400 – 402.

<sup>10</sup> Юго В. Шоҳона ишрат / Эркин Воҳидов таржимаси // Жаҳон адабиёти. 2002. №2. – Б.3 – 45; 2002. №3. – Б.58 – 99.

кўра «Шоҳона ишрат» драмасини В.Гюгонинг ўзбек тилидаги асарлари илк тўпламига киритганмиз.<sup>11</sup>

Учинчидан. Эркин аканинг вафотидан бир неча йил илгари тарихий қадриятлар, буюк неъмат бўлмиш тил мўъжизалари ва сўз латофатига бағишланган туркум мақолалари 2013 – 2014 йилларда «Китоб дунёси» газетасининг бир неча сонларида «Сўз – забаржад, сўз – гавҳар, олтин» деган ном билан эълон қилинди.<sup>12</sup> Ушанда Устозни табриклар, илмий-бадий-публицистик йўсинда ёзилган ва адабий жамоатчиликнинг эътибору эътирофини қозонган ана шу мақолаларни жамлаб алоҳида китоб ҳолида чоп эттиришни таклиф қилдим. Нима бўлганда ҳам, қисқа муддатда «Сўз латофати» китоби «Ўзбекистон» нашриётида босмадан чиқди.<sup>13</sup> Аммо китоб тақдимо-тига келсак, ўтказиладиган жойи ва вақти олдиндан эълон қилинган бўлишига қарамай, шундай муҳим маданий-маърифий анжуман неғадир ўтказилмай қолди.

Айни чоғда, юртимизда инсон қалбидаги нозик туйғуларни, халқимизга хос орият ва

<sup>11</sup> Гюго В. Клод Гё; Ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида; Шоҳона ишрат; Ҳикматлар / Сўзбоши муаллифи ва масъул муҳаррир А.Х.Саидов. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2014. – Б.85 – 222.

<sup>12</sup> Қаранг: Воҳидов Э. Сўз – забаржад, сўз – гавҳар, олтин // Китоб дунёси. 2013 йил 9 октябрь; 2014 йил 29 январь; 2014 йил 12 февраль; 2014 йил 26 февраль.

<sup>13</sup> Воҳидов Э. Сўз латофати. – Тошкент: Ўзбекистон, 2014.

ғурурни, озодлик ҳамда истиқлолни ўзининг гўзал шеър ва дostonларида юксак маҳорат билан ифодалаган ардоқли шоиримизнинг китоблари кириб бормаган хонадон йўқ десак янглишмаймиз. Зеро, Эркин аканинг қаламига мансуб асарларда ўзликни англаш, миллий ғурур-ифтихор, Ватанга муҳаббат, вафо ва садоқат туйғулари, тинчлик ва ҳурлик, адолат ва саховат каби эзгу фазилатлар юксак пардаларда тараннум этилган бўлиб, улар ҳар биримизни бахт ва шодлик, тинчлик-хотиржамликни қадрлашга, чин инсоний фазилатлар соҳиби бўлишга ундайди.

Шу боис шоирнинг ижоди миллий руҳи, халқчиллиги, ҳаётийлиги билан адабиётимиз хазинасидан муносиб ўрин эгаллаб, халқимизнинг маънавий мулкига айланган. Таниқли сўз санъаткори қолдирган бой маданий мерос ҳали асрлар давомида ёш авлоднинг маънавий юксалишига хизмат қилади.

Водийга сафарим асносида Эркин Воҳидов 3-синфгача ўқиган Олтиариқ туманидаги мактаб негизида қад ростлаган 3-умумий ўрта таълим мактабини ҳам зиёрат қилдим. Бугунги кунда бу ерда мингдан ортиқ ёшлар замонавий шароитларда таълим-тарбия олишмоқда. Замон талаблари асосида жиҳозланган мактаб эшигидан киришим билан шоирнинг катта портретига ва даста-даста китобларига кўзим тушди.

Мактабда «Эркин Воҳидов синфи» ташкил этилган, ҳар бир синфда рамзий равишда «Эркин Воҳидов партаси» бор экан. Адабиёт дарсларида Эркин Воҳидов ҳақида беш-олти дақиқалик маънавият суҳбатлари ўтказилиб, ким шоир ижодидан янги нарса ўқиган бўлса, ўша ўқувчига ана шу партага ўтиришга руҳсат этиларкан. Бу партада ўтиришни барча ўқувчи орзу қиларкан ва шунга муносиб бўлишга интиларкан. Буни ўзи учун юксак шараф деб биларкан.

Бугунги кунда Тошкентда – Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси марказий кенгаши қошида Эркин Воҳидов номидаги ёш қаламкашлар клуби ишлаб турибди. Ўзбекистон Президентининг шоир таваллудини кенг нишонлаш тўғрисидаги қарори ижросини таъминлаш ҳамда партиянинг сайловолди дастурида белгиланган миллий ўзликни англаш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ижодкор ўғил-қизларимизни қўллаб-қувватлаш ушбу клубнинг асосий мақсади ҳисобланади.

Эркин Воҳидовнинг ҳаёт йўли, бетакрор ижоди халқимиз, айниқса, ёш авлод учун ибрат мактабидир. Мамлакатимиз раҳбари ўзининг 2017 йил 27 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида иқтидорли болаларимизни қўллаб-қувватлашимиз, уларга барча шароитларни яратиб беришимиз керак, шунда

келгусида фарзандларимиз орасидан янги Абдулла Ориповлар, Эркин Воҳидовлар етишиб чиқади<sup>14</sup> деб уқтиргани бежиз эмас.

Қадрли китобхон!

Ушбу тўиламга турли йилларда ёзилган ва матбуот саҳифаларида эълон қилинган мақолаларимни жамлаб, Сизга тақдим этмоқдаман. Бу мақолаларда Эркин Воҳидов ҳаёти ва ижодининг ранг-баранг қирраларини имкон қадар ёритишга интиланман.

Бинобарин, камина Эркин Воҳидовни даставвал аксарият китобсевар ҳамюртларимиз қатори юксак иқтидор билан яратилган ижод намуналари орқали ғойибона таниганман. Эркин аканинг «Ўзбегим» қасидасини (афғонистонлик ҳуқуқшунос олим Абдулҳаким Шаърий Жузжоний таъбири билан айтганда, фахрияни) камина бошланғич синф ўқувчиси эканимдаёқ ёд олганимни айтиб ўтишим жоиз. Эркин ака билан яқиндан танишгач, ўзаро адабий гурунгларимиздан бирида эъзозли шоиримиз ушбу муаззам шеърнинг ўз вақтида тақиққа (цензурага) дучор этилган, мустақилликнинг илк даврида қайта тикланган айрим бандларини ўқиб берганлари ҳалигача ёдимда.

Кейинчалик миллий парламент депутатлари сифатида ўн йил ва Эркин ака Олий Мажлис Сенати аъзоси бўлган яна беш йил даво-

<sup>14</sup> Мирзиёев Ш. Юртимизда янги Абдулла Ориповлар, Эркин Воҳидовлар етишиб чиқади // <http://uza.uz/> 22.12.2017.

мида елкама-елка туриб қонун ижодкорлиги билан шуғулланиш бахтига муяссар бўлдим.

Хусусан, Эркин Воҳидов Ўзбекистон парламенти ва Европарламент ўртасидаги парламентлараро ҳамкорлик қўмитасининг ҳамраиси сифатида фаолият кўрсатган даврда биз ташқи сиёсат, халқаро муносабатлар ҳамда парламентлар ўртасида ўзаро ҳамкорлик масалаларида ҳар доим ҳамфикр бўлганмиз. Устозга ҳамроҳ бўлиб бир неча бор хорижга сафар қилганман. Европарламент билан бўлган мажлисларда қатнашганман, 2002 йилги АҚШ сафарида ҳам бирга эдик.

Парламентнинг Норматив-ҳуқуқий атама-лар комиссияси таркибида биргаликда ишлаш асносида у кишидан она тилимизнинг бемисл салоҳияти бобида ўзим учун жуда қимматли сабоқ олдим. Эркин ака Олий Мажлиснинг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитасининг раиси бўлиб ишлаган 1995 – 2005 йилларда инсон ҳуқуқларига доир ўнлаб халқаро шартномалар матнини ўзбек тилига таржима қилиш ва нашр эттириш борасида ўзаро ҳамкорликда ниҳоятда муҳим натижаларга эришганимизни бугун фахру ифтихор билан эслайман.

Биз анча йиллар давомида Эркин ака билан аҳил қўни-қўшничиликда, оилавий борди-келди қилиб яшадик. Шу маънода, Эркин ака нафақат ўзи ишлаган ташкилоту идоралардаги



ходимлар ва неча-неча иқтидорли ёш шоирларнинг меҳрибон устози сифатида, айтиш жоизки, оилада рафиқалари Гулчеҳра опамнинг намунали умр йўлдоши, Нозимахон, Моҳирахон, Фозилахон, Хуршиджон каби оқилу оқибатли фарзандларни тарбия қилган ғамхўр ота, кўп-кўп назира ва абираларнинг суюкли бобоси сифатида ҳар кимнинг ҳаваси ортадиган даражада муносиб яшаб ўтганларини эътироф этишга бурчлиман.

Мазкур мухтасар тўплам мен учун ардоқли шоир ва адиб, ношир ва муҳаррир, давлат ва жамоат арбоби, Устоз ва ҳаммаслак дўст, меҳрибон ака ва оқибатли қўшни мақомида бўлган, вазмин, одамохун, жўшқин ҳамда дилкаш сиймонинг ёрқин хотирасига бағишланади. Китоб Сизга манзур бўлади деган умиддаман.

**Акмал Саидов,**  
*академик*

# ЭРКИН ВОҲИДОВ – ШОИР, АДИБ, ТАРЖИМОН ВА АРБОБ

## Миллий маънавиятимиз фидойиси<sup>15</sup>

Мамлакатимизда халқимиз қалбидан чуқур жой олган атоқли адиб ва шоирлар, санъат ва маданият намояндаларининг улкан хизматлари муносиб баҳоланиб, уларнинг хотирасини абадийлаштириш, ижодини ўрганиш ва тарғиб қилиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов таваллудининг 80 йиллигини кенг нишонлаш юзасидан 2016 йил 7 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорининг қабул қилиниши мамлакатимизда адабиётга, маънавиятга юксак эътиборнинг яна бир ёрқин ифодаси бўлди. Чунки Эркин Воҳидов XX аср ўзбек шеъриятининг йирик намояндаси сифатида миллий адабиётимиз ривожига беқиёс ҳисса қўшган адибдир.

<sup>15</sup> Саидов А. Миллий маънавиятимиз фидойиси // Milliy tiklanish. 2016 йил 21 декабрь.

Мен севимли шоиримиз, атоқли адиб ва моҳир таржимон, давлат ва жамоат арбоби, Ўзбекистон Қаҳрамони Эркин Воҳидовни ўспиринлик давримда машҳур китоблари орқали ғойибона таниганман. Кейинчалик, 1989 йилда Эркин ака «Давлат тили ҳақида»ги Қонунни амалга ошириш комиссияси таркибида фаолият юритган даврда у киши билан илк бор шахсан танишиш, юзма-юз мулоқотда бўлиш имконияти туғилган.

Истиқлол йилларида Ўзбекистон парламентида ёнма-ён ишлаш асносида Эркин акани янада яқиндан билиш, ўзаро ижодий ҳамкорлик, ҳатто оилавий борди-келди қилиш бахтига эришдим. Бинобарин, Эркин Воҳидов мустақиллигимизнинг илк йилларидан бошлаб 20 йил давомида Олий Мажлисда самарали фаолият юритган.

Шу жумладан, устоз 5 йил Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши депутаты, Ошкоралик қўмитасининг раиси, 10 йил парламентнинг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси раиси, бундан ташқари, яна 5 йил Олий Мажлис Сенатининг аъзоси, Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси сифатида фаол иш олиб борган.

Бу даврда Эркин Воҳидов Биринчи Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилган парламент ислоҳотлари, хусусан, сохта

вакиллик органи бўлмиш «совет»лардан замонавий профессионал парламент тизимига ўтиш. Ўзбекистоннинг халқаро шартномаларга қўшилиши, халқаро парламентлараро алоқаларнинг изчил ривожланиши жараёнига ўз ҳиссасини қўшганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Эркин Воҳидов мустақил Ўзбекистоннинг икки ва кўп томонлама парламентлараро алоқалари урнатилиши ҳамда ривожланишида бевосита иштирок этган. Айти пайтда, у Европа Иттифоқи ва Ўзбекистон Парламентлараро ҳамкорлик қўмитасининг ҳамраиси сифатида самарали меҳнат қилган. Ушбу нуфузли қўмитанинг Брюссел, Страсбург ва Тошкент шаҳарларида бўлиб ўтган халқаро анжуманларида Эркин ака ҳам моҳир парламентарий, ҳам зукко дипломат сифатидаги фазилатларини кўп бор намоён этган.

Бу ҳақда фикр юритганда Эркин ака парламентда ишлаган даврда Ўзбекистон энг муҳим кўп томонлама халқаро шартномаларни ратификация қилганини алоҳида қайд этиш зарур деб ҳисоблайман.

Биринчи Президентимиз ташаббуси билан Олий Мажлисда Норматив-ҳуқуқий атамалар комиссияси тузилди. Ушбу комиссия таркибида Эркин Воҳидов, Ўткир Ҳошимов ва Иброҳим Ғафуров каби улуғ адиблар билан елкама-елка ишлаш жараёнида ўзбек давлат

тилининг бу фидойи тарғиботчилари саъй-ҳаракатлари туфайли миллий қонунчилигимиз юридик тили нақадар ривож тоиганига гувоҳ бўлганман. Ушбу фикримнинг яққол тасдиғи сифатида биргина мисол келтираман. Одатда, кўп йиллар давомида тилимизда, шу жумладан, қонунчилик тилида муайян қоғашнинг масса улушлари миқдорида қанча қимматбаҳо металл борлигини, содда қилиб айтганда, олтин ёки кумушнинг софлик даражасини билдирувчи рақамни ифодалаш мақсадида «проба» деган байналмилал сўз (полякча, проба – текширмоқ, синаб кўрмоқ) қўлланиб келинган. Масалан, «99,9 пробали олтин» деганда олтиннинг софлиги 99,9 фоизга тенг экани тушунилган. Бундай миқдорни кўрсатувчи рақам акс этган тамғага нисбатан ҳам «проба» атамаси ишлатилган. Ўшанда Эркин аканинг ташаббуси билан қонунчилигимиздаги «проба» сўзи «асиллик белгиси» деган ғоятда ўзбекона ибора билан алмаштирилган. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Эркин Воҳидовдек ўзбек тили билимдони ва сўз заргарининг тафаккури ва иқтидори, маҳорати ва тажрибаси қонун ижодкорлиги жараёнида миллий қонунларимизнинг юридик тили сайқал топиши, том маънода ўзбекона бўлишини таъминлаш борасида ниҳоятда қўл келган.

Улуғ адиб ўзининг бутун умри давомида ватанпарварлик, халқимиз тарихи ва буюк аждодларимиздан фахр-ифтихор туйғулари мадҳ этилган шеър ва ғазаллари, дostonлари, драмалари билан юртдошларимиз қалбидан мустаҳкам ўрин эгаллаган. Шу маънода, аввалбошда Эркин акани китоблари орқали таниганимга алоҳида урғу берганим бежиз эмас. Эркин Воҳидов шеърлари ва дostonлари, шеърый таржималари ва публицистик мақолаларини завқ билан ўқиганман, ҳозир ҳам севиб мутолаа қиламан.

Бунинг сабабини, менимча, шоир ижодидаги мавзулар хилма-хиллиги, асарларининг фалсафий мушоҳада ва қуйма ташбеҳларга бойлиги ҳамда юксак бадий ифодасига мафтунлигим билан изоҳлаш мумкин. Негаки Эркин Воҳидовнинг 1961 йили нашр этилган «Тонг нафаси» илк шеърый тўпламидан бошлаб то «Қўшиқларим сизга», «Юрак ва ақл», «Менинг юлдузим», «Келажакка мактуб» китоблари, «Муҳаббатнома» ва «Садоқатнома» номли икки жилдлик сайланмаси, «Палаткада ёзилган дoston», «Қуй авжида узилмасин тор», «Яхшидир аччиқ ҳақиқат» каби тўпламларига кирган дoston ва шеърлар нодир истеъдод соҳиби қаламидан тўкилган ноёб мисралар экани яққол сезилиб туради.

Шунингдек, Эркин аканинг «Нидо», «Лирика», «Ёшлик девони», «Чароғбон», «Дoston-

лар», «Ҳозирги ёшлар», «Муҳаббат», «Тирик сайёралар» «Шарқий қирғоқ», «Бедорлик», «Орзу чашмаси», «Қуёш маскани», «Бахмал», «Руҳлар исёни», «Тошкент садоси», «Шоиру шеър ушуур», «Изтироб» каби ўнлаб шеърый китоблари ва публицистик асарларида Ватанимизнинг шонли тарихи, саодатли бугунги куни ва ёруғ келажаги, замондошларимиз ҳаёти, қувонч-изтироблари тўғрисидаги ҳақиқат юксак самимият ва маҳорат билан тараннум этилган.

Мисол учун, Эркин Воҳидовнинг собиқ тузум давридаёқ биргина ғазал жанри ривожини янги, янада юқори босқичга кутариш борасида қўйган дадил қадамлари ҳар қанча эҳтиромга лойиқ. Бу жанрда улуғ шоиримиз ижод этган содда, равон, гўзал бадий ифода-ларга йўғрилган назмий намуналар ўшанда ҳам, ҳозир ҳам мумтоз шеърыйтимиз мухлис-ларининг чанқоқ қалбларини беътибор қолдирмай келмоқда.

Улуғ адибнинг аруз вазнида яратган ижод маҳсуллари моҳияти ва аҳамияти ҳақида, назаримда, энг холис баҳо унга замондош ва елкадош бўлган яна бир буюк ижодкор — Ўзбекистон Қаҳрамони. Халқ шоири Абдулла Орипов қаламига тегишлидир. Хусусан, Абдулла аканинг «...мумтоз ғазалиётимизнинг олтин эшиклари абадий бекилди дея каромат қилишаётганда ёш авлод орасидан би-

ринчилардан бўлиб Эркин Воҳидов арузнинг табаррук остонасида посбон янглиғ пайдо бўлди» деб айтган самимий фикрлари Эркин аканинг адабиётимиз олдидаги хизматларига берилган том маънода юксак, холис ва энг муносиб баҳодир.

Айни чоғда, Эркин Воҳидов улкан ўзбек адиби сифатида ўлмас асарлари билан қардош халқлар адабиёти ўртасида яқин ижодий алоқа ўрнатди. Адиб асарларининг барча қардош халқлар тилларига таржима қилиниши ва уларнинг ҳам ўз шоирига айланиши замирида айнан шу омиллар турган бўлса ажаб эмас.

Эркин Воҳидовнинг таржимонлик маҳорати тўғрисида сўз борганда, аввало, устоз таржима қилган аксарият сара асарларни аслиятда ўқиганим учун менда аслият ва таржима матнини ўзаро қиёслаш имкони ҳам, иштиёқи ҳам нисбатан кучли бўлган деб ўйлайман. Хусусан, буюк немис шоири Йўхан Вольфганг Гётенинг бундан қарийб қирқ йил илгари ўзбек тилига илк бор таржима ва нашр қилинган йирик асари – «Фауст» фожиасининг 2015 йили «Янги аср авлоди» нашриётида «Қамолот» кутубхонаси туркумида чоп этилган иккинчи нашри ҳақида ҳам айни шундай фикрни айтиш мумкин. Зеро, Гёте ижодини «Фауст» шоҳ асарисиз тасаввур қилиш асло мумкин эмас.



Забардаст таржимон, устоз адиб Эркин Воҳидов бу борада улкан ва масъулиятли ишга бел боғлаб, Гёте қаламига мансуб «Фауст» асарининг биринчи қисмини 1972 йили, кейинги даврда эса иккинчи қисмини ҳам таржима қилиб, 1985 йили биринчи бор унинг иккала қисмини ягона китоб шаклида чоп эттирган. Шунини таъкидлаш жоизки, ушбу асарнинг ўзбекона жаранги миллий адабиётимизда оламшумул воқеа бўлгани баробарида китобхонларимизнинг руҳий-маънавий юксалиши йўлида муҳим аҳамият касб этиб келмоқда.

Шу вақтдан эътиборан миллий адабиётшунослигимизда Гёте ижодини жиддий ўрганишга киришилди ва ўзбек тилига ўгирилган Гёте асарларини кенг тадқиқ қилиш ишлари бошланиб кетди. Бу борада ўзбек адабиётшунослиги ва таржимачилиги ҳамда таржимашунослиги изма-из ва ёнма-ён фаолият олиб борганини қайд этиш ўринлидир. Ҳеч шубҳасиз, «Фауст» таржимаси миллий таржима назарияси ва амалиётида янги саҳифа очди.

Таниқли адабиётшунос олим ва моҳир таржимон Иброҳим Ғафуров «Фауст» трагедиясининг биринчи ўзбекча нашрига ёзган сўнгсўзида ушбу таржима миллий адабиётшунослик фанида гётешуносликнинг ривожланишида муайян ҳисса бўлиб қўшилганини

эътироф этган. Устознинг фикрича, «Фауст» каби доҳиёна асарни маромига етказиб таржима қилиш учун ижодкорнинг ўзи ҳам ана шу асар даражасига мос равишда фикран ва қалбан юксалган бўлиши даркор.

Гёте «Фауст»ни ўзининг бутун ижодий ҳаёти давомида ёзгани маълум. Эркин Воҳидов ҳам уни таржима қилишга умр бўйи ҳозирлик кўрди ва ўзбекча матн устида беш йил мобайнида шиддат-шижоатли ва қут-баракали ижодий меҳнат қилди. Эркин аканинг айрим шеърларини, айниқса, «Руҳлар исёни» достонини ўқиш давомида чиндан ҳам Гёте трагедиясидаги тимсоллар шоир хаёлини қанчалик узоқ давр ва нечоғлик теранлик билан ўзига мафтун қилгани ярқ этиб хаёлингиздан ўтади.

Эркин Воҳидов, шунингдек, XIX аср француз адабиётининг йирик намояндаларидан бири, француз мумтоз ёзувчиси ва забардаст шоири Виктор Гюгонинг «Шоҳона ишрат» драмасини таржима қилган. Веш пардадан иборат, шеърый шаклда ёзилган ушбу романтик драма асосида буюк итальян бастакори Жузеппе Вердининг «Риголетто» шоҳ асари яратилганлиги Гюго демократик романтизмнинг дунё маданиятига улкан таъсир ўтказганлигидан дарак беради.

Виктор Гюго асарлари XX асрнинг эллингинчи йиларидан ўзбек тилига таржима қи-

лина бошлаган бўлса-да, «Шоҳона ишрат» драмасининг атоқли ўзбек адиби, устоз Эркин Воҳидов таржимаси тимсолида ўзбек китобхони XXI аср бошида француз адабининг ижодини қайтадан кашф этди десак янглишмаган бўламиз. Мазкур драманинг Эркин ака томонидан амалга оширилган ўзбекча таржимаси муқаддам алоҳида нашр қилинмаганини (фақат журнал саҳифаларида чоп этилганини) ҳисобга олиб Виктор Гюго асарларининг ўзбекча таржималари тўпламида 2014 йили китобхонларимиз эътиборига ҳавола этилди.

Эркин Воҳидов машҳур рус шоири Сергей Есениннинг шеърларини ўзбек тилига таржима қилиб, алоҳида китоб ҳолида нашр эттирган. Вундан ташқари, у турли халқлар шоирлари, шу жумладан, Фридрих Шиллер, Иқбол, Улфат, Расул Ҳамзатов, Леся Украинка, Александр Блок асарларини ҳам ўзбек тилига ўгирган. Ўз навбатида, Эркин Воҳидов қаламига мансуб «Олтин девор», «Сайланма», «Нидо» асарлари немис, француз, рус, инглиз, урду, ҳинд, араб ва бошқа бир қатор хорижий ҳамда қардош туркий халқлар тилларида нашр этилган.

Энг муҳими, бу асарларнинг юксак маҳорат ва нозик дид билан амалга оширилган таржималари бошқа соҳалар қатори адабиёт соҳасида ҳам халқаро ҳамкорликни кучайти-

риш, шу жумладан, Шарқ ва Ғарб ўртасида адабий алоқаларни янада ривожлантириш, ўзаро адабий таъсир муаммоларини қиёсий ўрганиш йўлида муҳим аҳамият касб этиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев қарори ижроси доирасида мамлакатимиз миқёсида улуғ шоир таваллудининг 80 йиллигини кенг нишонлаш ва унинг хотирасини абадийлаштириш борасида кенг кўламли ишлар олиб борилаётгани таҳсинга сазовор. Зеро, ушбу қарор муқаддасида таъкидланганидек, ўзбек адабиёти ва маданияти ривожига унутилмас ҳисса қўшган атоқли шоир ва адиб, таниқли давлат ва жамоат арбоби, Ўзбекистон Қаҳрамони Эркин Воҳидов ижодий мероси чиндан ҳам ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш борасида улкан аҳамиятга эгадир.

## ЭРКИН ВОҲИДОВ ВА ЙОҲАН ВОЛЬФГАНГ ГЁТЕ

**«Яна чорлар мени  
илоҳий бир ун...»<sup>16</sup>**

*(Ўзбекча «Фауст»нинг иккинчи  
нашри ҳақида)*

Кўҳна ва ноёб картинанинг юз йиллик чангларини тозалаб, кўп сонли мухлислар кўз ўнгида қайта намойишга қўйиш билан худди шундай тарихан нодир бадий асарни таржима қилиш ва қайта нашр этиш орқали эришиладиган натижалар ўртасида фарқ деярли мавжуд эмас, назаримда. Муҳими, бунда ана шу адабиёт ва санъат асарларининг умри узайиб ҳамда қадри ошибгина қолмай, улардан баҳра олувчи инсонларнинг бадий диди юксалади, дунёқараши кенгаяди, тафаккури теранлашади, қалби эса эстетик завқ олиб янада гўзаллашади.

Буюк немис шоири Йоҳан Вольфганг Гётенинг бундан қарийб қирқ йил илгари ўзбек

---

<sup>16</sup> Саидов А. Яна чорлар мени илоҳий бир ун... // Китоб дунёси. 2015 йил 4 апрель.

тилиги илк бор таржима ва нашр қилинган йирик асари – «Фауст» фожиасининг яқинда «Янги аср авлоди» нашриётида «Камолот» кутубхонаси туркумида чоп этилган иккинчи нашри<sup>17</sup> ҳақида ҳам шундай фикр юритиш айни муддаодир.

Гёте ижодини «Фауст» шоҳ асарисиз тасаввур қилиш асло мумкин эмас. Гётенинг чексиз уммон каби ижоди мазмун-моҳияти билан халқимизни биринчилардан бўлиб илмий-адабий негизда чуқур таништирган улуғ шоир ва мутафаккир Мақсуд Шайхзода таъбири билан айтганда, «Гёте-Фауст» ёхуд «Фауст-Гёте» деган исмлар бир-бири билан шу қадар чамбарчас боғланиб кетганки, бирини иккинчисидан ажратишнинг мутлақо имкони йўқ.<sup>18</sup> «Фауст» Гётенинг доҳиёна асаридир.

Жаҳон адабиёти дурдоналаридан бўлмиш бу йирик асарда икки мангу қарама-қарши куч – яхшилик ва ёвузлик, иқрор ва инкор курашади. Асар бош қаҳрамони доктор Фауст бутун борлиқ ва табиат сир-асрорини илм-фан ва ақлий салоҳият ёрдамида тушуниб олиш учун интилади. Шайтон (Мефистофель) Фаустни нафс бандасига айлантириб, ёмон ва қинғир йўлларга буриб юбора олиши ҳақида

<sup>17</sup> Гёте. Фауст: трагедия / Таржимон Эркин Воҳидов. Иккинчи нашр. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2015. – 536 б.

<sup>18</sup> Шайхзода М. Йоханн Вольфганг Гёте (вафотининг 125 йиллиги муносабати билан) // Ўзбекистон маданияти. 1957 йил 20 март.

Худо билан баҳслашади. Баҳс шарт, яъни битимга кўра, агар Фауст ҳаётнинг ҳирсий-нафсоний ҳаловатидан ҳузурланган ҳолда бундай кайфу сафодан қаноатланганини билдирса, у ютқазган бўлади. Ушбу фожиавий асардаги шиддатли ва зиддиятларга бой воқеалар ана шу икки қаҳрамон – Фауст ва Мефистофель хатти-ҳаракатлари негизида кечади.

*Яна чорлар мени илоҳий бир ун,  
Яна хаёлларга чулганди бошим...*<sup>19</sup>

Даҳо шоир, мутафаккир адиб ўз асарининг «Бағишлов» қисмида туғма илҳом ва қуйилиб келаётган «ҳазин ва сермунг» сатрлар завқини ана шундай юксак пардаларда ифода этган. Гёте учун бу фожиани яратишда XVI асрда немис халқи оғзаки ижодиётида кенг тарқалган Фауст ҳақидаги афсона асос бўлиб хизмат қилган.

Халқ оғзаки ижоди қаҳрамони бўлмиш Фауст бор-йўғи қаллоб ва фирибгар эдими ёки Уйғониш даврининг ўз замониға хос равишда ҳаёти саргузашт ва можаролар билан тўлиб-тошган «титан»ларига, яъни ақли ва идроки, билими ва фаолияти ниҳоятда юксак бўлган улуг сиймоларига қандайдир алоқадор шахсми – бугун бу ҳақда аниқ бир гап айтиш жуда

<sup>19</sup> Гёте. Фауст: трагедия / Таржимон Эркин Воҳидов. Иккинчи нашр. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2015. – Б.7.

мушкул, албатта. Лекин тез орада унинг номи афсонага айлангани ҳақиқат.

Бу афсона қандай шаклда баён этилмасин, албатта, унда мустақил ва ҳур яшаб ўтган, ўз илмий-ижодий салоҳияти ва билимларининг сеҳр-жоду кучига қаттиқ ишонган, ўша давр хурофотчилари таъбири билан айтганда, афсунгарлик борасида ҳатто шайтоннинг ўзи билан ҳамтовоқ бўлган афсунгар инсоннинг ғайритабiiй ҳаёти ҳақида ҳайратомуз тарзда куйланган.

Фауст ҳақидаги афсона 1587 йилдан эътиборан адабиёт мулкига айланди. Иоганн Шписнинг «Доктор Иоганн Фауст – машҳур сеҳргар ва жодугар ҳақида, унинг бир муддат шайтоннинг измига тушиб қолгани, қандай ғаройиб саргузаштларнинг гувоҳи бўлгани ва ўз бошидан кечирганлари ва, ниҳоят, қилмишига яраша жазога дучор бўлгани тўғрисидаги қисса»си ана шу афсона асосида яратилган илк бадий асардир. Кейинчалик бу афсона бошқа ижодкорларнинг ҳам эътиборини тортган. Хусусан, у атоқли адиб В.Шекспирига юртдош ва замондош бўлган машҳур инглиз драматурги Кристофер Марлонинг «Доктор Фаустнинг фожиавий тақдири» (1588 йил) номли асари учун пойдевор бўлиб хизмат қилганини таъкидлаш жоиз.

Шу билан бирга, Гётенинг «Фауст» трагедияси юқорида санаб ўтилган муаллифлар-



нинг асарлари орасида энг мукаммали бўлиб, айнан шу боис шоирнинг номини бутун дунёга машҳур қилган. «Фауст» асари том маънодаги инсон фалсафасидир. Инсон ботинида ижобий ва салбий икки куч – яхшилик ва ёмонлик ҳар доим ўзаро курашади. Ана шу қарама-қарши кучларнинг кураши туфайли инсон ҳамиша ҳаракатда ва интилишда, изланиш ва юксалишда.

Мефистофель – ҳаёт ёви, тараққиёт душмани, адолат кушандаси. Унинг бош мақсади инсон ботинидаги ижобий куч – яхшиликни маҳв этишдир. Мефистофелнинг Худо билан баҳслашувининг асосий сабаби ҳам айнан шунда. Чунки Мефистофель инсон зотига ақл-заковат ато этиб нотўғри йўл тутганини, бунинг оқибатида одамлар оромини йўқотиб, ўз ҳаётидан кўнгли тўлмай яшашини айтиб Худога таъна қилади. Агар одамзод бошқа барча жонзотларга ўхшаш қилиб яратилганида, улар ҳам тинчгина ва жимгина яшай-верар эди. Мана, нима дейди Мефистофель бу ҳақда:

*Инсон – коинотда кичкина Худо,  
Шундай яралган у азал ибтидо.  
У, балки, тузукроқ яшарди букун,  
Сен солмаган бўлсанг кўнглига учқун.  
Ўша учқунни у ақл деб атар,  
Куни у туфайли ҳайвондан баттар.*

*Кечир, гарчи унга бердинг башар от,  
Аммо яшайтир мисли ҳашарот.  
Худди чигирткадек хас-чўплар аро  
Гоҳ учар, гоҳ сакрар, гоҳ тузар наво.  
Майли эди юрса маконида жим,  
Ҳар ишга тумшугин суқар у, Танграм!*<sup>20</sup>

Худо билан шартлашар экан, Мефистофель Фаустни ҳеч бир қийинчиликсиз ўз йўлига солишига – ҳаётнинг бор ҳузур-ҳаловатидан обдан лаззатланган Фаустни ўлими олдидан: «Оҳ, ҳаёт, тўхтагин, бунча гўзалсан», – деб ялиниб-ёлворишга мажбур эта олишига ишонади. Ўз навбатида, қалбини, иймонини шайтонга – Мефистофелга сотгани эвазига Фауст бойлик ва муҳаббатга эришганига қарамай, булар унинг ҳаётдан қаноат топишига сабаб бўла олмайди. У чин руҳий-маънавий қаноатни ва инсоний ҳузур-ҳаловатни эркинлик ва бунёдкорона меҳнатда, маҳсулдор илму ижодда кўради.

Чиндан ҳам, Фаустнинг жони узилаётган пайтда «Оҳ, ҳаёт, тўхтагин, бунча гўзалсан!» деган садо эшитилади. Бу дамни сабрсизлик билан кутган Мефистофель фаришталарга қараб: «Мен енгдим», – дейди. Шунда фаришталар унга: «Сен Фаустни, унинг курашишга қодир руҳини енга олмадинг. Қулоғингга ча-

<sup>20</sup> Гёте. Фауст: трагедия / Таржимон Эркин Воҳидов. Иккинчи нашр. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2015. – Б.17.

линг «садо» эса «келажак садоси»дир», – деб жавоб қайтарадилар.

Бу борадаги фикр-мулоҳазаларни хулосалаб айтадиган бўлсак, одамзод ҳамиша иблиснинг икки томонлама ҳамласига – ҳам ичидаги шайтонига, ҳам теварак-атрофдаги шайтоний кучларга қарши курашиб келади. Мефистофель, фикримизча, бошдан-оёқ салбий образ эмас. У ўзида яратувчанлик ва манманлик сари элтувчи иккита кучни мужассам этган.

Инсон эса ўзининг ақлу тафаккурига таяниб ушбу кучларни бир-бирдан фарқлай билиши, бу йўлда адашиб кетмаслиги, аксинча, ўзидаги ижобий хислатларни яққол намоён этган ҳолда манманлик ва жоҳилликка етакловчи кучларга қарши курашиши даркор. Ана шундагина инсон зафарга элтувчи мақсад сари дадил одимлай олиши мумкин. Бизнинг назаримизда, Гёте ўз «Фауст»ида айнан ана шу ғояни очиб бермоқчи бўлган.

Бир сўз билан айтганда, буюк Гёте ўзининг бир-бирига ғаним майда-майда князликларга бўлиниб кетган, чет эл босқинчиларининг жабр-зулмини тотган халқини бирлаштиришни, ўз миллатини озод меҳнат ва ҳур ижод оғушида кўришни, ўз она тили, адабиёти ва санъати изчил ривожланаётганига гувоҳ бўлишни астойдил орзу қилган ва бу йўлдаги эзгу курашни шеърий мисраларида, Фауст

тиқдири тимсолида тараннум этган. Шу маънода, Гётенинг «Фауст» фожиаси ўз эркинлиги ва мустақиллиги, тили ва адабиёти, маданияти ва санъати йўлида курашаётган мазлум халқнинг орзу-умидларига тўла мос бўлган, бугунги кунда ҳам улкан аҳамият касб этувчи асар ҳисобланади.

Бинобарин, Гёте ўз адабий қаҳрамони – Фауст тилидан эътироф этганидек:

*Узоқ ҳаёт йўлин ўтдим у босиб  
Олам ҳикматини айладим яқун.  
Ким эрк, ҳаёт деб жанг қилолса ҳар кун –  
Эрку ҳаёт учун ўша муносиб».*<sup>21</sup>

Ўзбекистон халқ шоири, забардаст таржимон, устоз адиб Эркин Воҳидов бу борада улкан ва масъулиятли ишга бел боғлаб, Гёте қаламига мансуб «Фауст» асарининг биринчи қисмини 1972 йили<sup>22</sup>, кейинги даврда эса иккинчи қисмини ҳам таржима қилиб, 1985 йили биринчи бор унинг иккала қисмини ягона китоб шаклида чоп эттирган.<sup>23</sup> Шунитаъкидлаш жоизки, ушбу асарнинг ўзбекона жаранги миллий адабиётимизда оламшумул воқеа бўлгани баробарида китобхонларимиз-

<sup>21</sup> Гёте. Фауст: трагедия / Таржимон Эркин Воҳидов. Иккинчи нашр. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2015. – Б.489.

<sup>22</sup> Гёте. Фауст. 1-қисм. – Тошкент, 1972.

<sup>23</sup> Гёте. Фауст / Таржима ва кириш сўзи Э.Воҳидовники. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1985. – 376 б.

нинг маънавий юксалиши йўлида муҳим аҳамият касб этиб келмоқда.

Шу вақтдан эътиборан миллий адабиётшунослигимизда Гёте ижодини жиддий ўрганишга киришилди ва ўзбек тилига ўтирилган Гёте асарларини кенг тадқиқ этиш ишлари бошланиб кетди. Бу борада ўзбек адабиётшунослиги ва таржимачилиги ҳамда таржимашунослиги изма-из ва ёнма-ён фаолият олиб борганини қайд этиш ўринлидир.

Таниқли адабиётшунос олим ва моҳир таржимон Иброҳим Ғафуров «Фауст» трагедиясининг биринчи ўзбекча нашрига ёзган сўнгсўзида ушбу таржима миллий адабиётшунослик фанида гётешуносликнинг ривожланишида муайян ҳисса бўлиб қўшилганини эътироф этган.

Асарнинг фалсафий, руҳий-маънавий ва бадий жиҳатларини талқин қилишда таржимон қатъий йўлдан бориши, яъни ана шу барча қирраларни тўла англаб етиши ва ўз қалбидан ўтказиб олиши талаб этилади. «Фауст»нинг таржима матнини мутолаа қилиш асносида Эркин Воҳидов айни шундай руҳий-ижодий жараёни бошдан кечирганига, таъбир жоиз бўлса, нафақат асарнинг мазмуни ва шаклини, балки Гёте тафаккури ва қалби овозини ҳам қоғозга туширишга мушарраф бўлганига тўла ишонч ҳосил қиламиз.

И.Фафуров эътироф этганидек, буюк Гётенинг инжа тафаккури ҳосиласи бўлмиш бу ноёб «тилла идиш»га ҳавас билан тикилган ва мафтун бўлиб қолган Эркин Воҳидов ўзбек заминида унинг ўзидан зар сочиб турган нуҳасини яратди. Атоқли адабиётшунос олим томонидан моҳир таржимон фаолиятига берилган бундай юқори баҳо ҳақли ва жуда муносибдир.

Зотан, Гётенинг «Фауст» трагедияси ғоятда мураккаб фалсафий дoston бўлиб, шоир бадий тафаккурининг олтмиш йиллик эволюциясини ўзида яққол акс эттиради. Бу асарни тушуна олиш ва таржима қилиш учун, албатта, Гётенинг ижодий лабораторияси билан яқиндан танишиш, етук фалсафий дунёқараш соҳиби бўлиш, бениҳоя бой билим ҳамда даҳо шоирларга хос ноёб шеърый истеъдод талаб этилади.

Дарҳақиқат, бундан қирқ йил илгари Гётенинг шоҳ асари «Фауст» ўзбек тилимизга ёрқин бир муваффақият билан ўгирилди. Гёте бу асарни ўзининг бутун ижодий ҳаёти давомида ёзгани маълум. Эркин Воҳидов ҳам уни таржима қилишга умр бўйи ҳозирлик кўрди ва ўзбекча матн устида беш йил мобайнида шиддат-шижоатли ва қут-баракали ижодий меҳнат қилди. Эркин аканинг айрим шеърларини, айниқса, «Руҳлар исёни» дostonини мутолаа қилиш асносида чиндан ҳам Гёте

трагедиясидаги тимсоллар шоир хаёлини қанчалик узоқ давр ва нечоғлик теранлик билан ўзига мафтуну маҳлиё этгани ярқ этиб хаёлингиздан ўтади.

Ҳеч шубҳасиз, «Фауст» таржимаси миллий таржима назарияси ва амалиётида янги саҳифа очди. Натижада кейинги даврда таржимашунос олим Пошали Усмон ўғли «Фауст» трагедиясининг озарбайжон, қозоқ ва рус тилларидаги таржималарини қиёсий ўрганиш асосида илк бор асар биринчи қисмининг аслиятдан ўзбек тилига филологик таржимасини яратди.<sup>24</sup>

Гётенинг бу асари ва Эркин Воҳидов таржимаси ҳақида ёзувчи Ҳ.Фулом, адабиётшунослар В.Зоҳидов, И.Фафуров, К.Азизов, Ш.Каримов, таржимашунослар Пошали Усмон ўғли, А.Аллаберганова, С.Ёқубов, Р.Абдуллаев ва бошқалар ўз илмий тадқиқотларини яратишди. Лекин, шунга қарамай, айрим тақриزلарни истисно қилганда<sup>25</sup>, неча ўн йиллар мобайнида ушбу шоҳ асар таржимаси муносиб даражада кенг муҳокама этилмай келаётганини очиқ айтишга тўғри келади.

<sup>24</sup> Гёте. Фауст: трагедия. Биринчи қисм / Олмончадан Пошо Али Усмон таржимаси. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2007. – 220 б.

<sup>25</sup> Қаранг: Саидов А. Узбекский «Фауст» Эркина Вахидова // Саидов А. Гёте как юрист. – Тошкент: Baktria press, 2014. – С.100 – 130; Ўзимизнинг Фауст (Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов билан) // Жаҳон адабиёти. 1999. №9. – Б.93 – 97.

Бугун ўзбекча «Фауст»нинг иккинчи нашри қўлимизда турибди. Шу муносабат билан қуйидаги таклифларимни билдирмоқчиман.

Биринчидан, Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхона ва бошқа йирик кутубхоналарда атоқли шоир ва моҳир таржимон Эркин Воҳидов ҳамда гётешунос олимлар иштирокида бу шоҳ асар таржимаси янги нашрининг тақдимотини ўтказиш лозим.

Иккинчидан, таълим масканлари, кутубхоналар ва ахборот-ресурс марказларида гётехонлик (фаустхонлик) тадбирларини ташкил этиб, ушбу асарнинг оммавий мутолааси ва адабий-таҳлилий муҳокамаларини уюштириш мақсадга мувофиқ.

Учинчидан, «Фауст»ни лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосида ҳам чоп этиш зарур.

Тўртинчидан, Гётенинг немисча «Фауст»и билан Эркин Воҳидовнинг ўзбекча «Фауст»и матнларини ёнма-ён тарзда ягона китоб ҳолида чоп этиш айтиш муддаодир.

Ниҳоят, бешинчидан, буюк Гётенинг ўзбек тилига ўгирилган «Фауст» трагедияси, «Ёш Вертернинг изтироблари» ва «Ҳамроз диллар» романлари, «Ғарбу Шарқ девони» каби машҳур асарлари ва турли йилларда таржима қилинган шеърларини жамлаб, кўп жилдли китоблар шаклида чоп этиш катта маънавий-маърифий аҳамиятга эга бўлади.



Нега деганда буюк Гёте қаламига мансуб «Фауст» асарининг атоқли шоиримиз Эркин Воҳидов томонидан сўз заргаригагина хос но-зик дид билан амалга оширилган таржимаси бошқа соҳалар қатори адабиёт соҳасида ҳам халқаро ҳамкорликни кучайтириш, шу жумладан, Ғарб ва Шарқ ўртасида адабий алоқаларни янада ривожлантириш, ўзаро адабий таъсир муаммоларини ўрганиш йўлида муҳим қадамдир.

Атоқли таржимашунос олим Ғайбулла Саломов ўз вақтида «Ҳофиз ва Гёте» номли мақоласида Ҳофиз Шерозий ва Гёте ижодининг ўзаро ўхшаш жиҳатлари ҳақида тўхталиб, жумладан, даҳо мутафаккир немис ва форс адабиётлари, шу икки халқнинг моддий ва маънавий ҳаёти ҳамда уларга хос тушунчалар ўртасидаги муштаракликдан фахрланар экан, ҳар иккала миллатга, адабиётга мансуб бўлган яққол тафовутлар, ҳатто Шарқ ва Ғарб адабиётларининг умумий ғоялари ҳақида фикр юритиш билангина чекланиб қолмасдан, балки дунёнинг барча халқлари ва адабиётларига тааллуқли бўлган жиҳатларни, уларни узвий боғлаб турувчи ришталарни – тараққиёт қонунларини ҳам атрофлича ўрганишга интилганини таъкидлагани бежиз эмас.<sup>26</sup>

Ҳақиқатан ҳам, Гёте ижоди, шу жумладан, даҳо адибнинг «Фауст» фожиаси билан қанча-

<sup>26</sup> Саломов Ғ.Т. Ҳофиз ва Гёте // Гулистон. 1974. №8.

лик чуқурроқ танишсак, устоз Ғайбулла Саломнинг ушбу фикрлари тўғри эканига шунчалик кўпроқ ишонч ҳосил қиламиз. Яна бир муҳим жиҳати, бу асар инсонни сабр-тоқатли, матонатли, меҳнатсевар бўлишга, келажакка умид ва ишонч билан яшашга даъват этади.

Шундай қилиб, адабиёт мухлислари – кўп сонли китобхон ва китобсевар юртдошларимиз ўзбекча «Фауст»нинг янги нашрини атоқли немис шоирининг заковат хазинасидан муносиб тухфа сифатида ҳавас ва иштиёқ билан қабул қилишига ишонамиз.

## Таржимон жасорати<sup>27</sup>

*Энг буюк журъат  
ижод, ихтиро та-  
факкур журъатидир.  
Ижодий тафаккур  
қулами борлиқни қам-  
раб олади... Гётенинг  
«Фауст»и ана шундай  
поэтик руҳнинг энг  
буюк жасоратидир.  
«Илиада» мумтоз  
қадимият поэзияси-  
нинг нодир ёдгорлиги  
булганидай, «Фауст»  
энг янги шеъриятнинг  
буюк ёдгорлигидир.*

А.С.Пушкин

Буюк шеърият замонда ҳам, ма-  
конда ҳам чегара билмайди. Мана шу чексиз-  
лик ва мангу ҳаёт ифодаси ҳақиқий, олам-  
шумул шеъриятнинг энг аниқ ва ишончли  
баҳосидир.

<sup>27</sup> Саидов А. Таржимон жасорати // Жаҳон адабиёти. 2011.  
№12. – Б.119 – 127.

Буюк шоирлар ижод қилган асарларни уларнинг издошлари, шогирдлари ёки тадқиқотчилари бошқа замонларда ва бошқа маконларда яна ва яна жонлантириб, келгуси авлодларга, ўқувчиларга етказадилар. Ўлмас асарлар кейинги замонлардаги таржимонлар ва илҳомланувчи издошлар ижодида қайта-қайта ўқилиб, одамларни буюк шеъриятда яширинган илоҳий сирларни кашф этишга ёрдам беради, қалбларни тўлқинлантираверади. Бундай асарлар бошқа тиллардаги адабиётларни, бошқа халқларнинг маънавий оламини ҳам бойитиб, гўзалликка ошно қилади.

Ўлмас асарларни бунёд этган халқ ҳам, бундай асарларнинг таржимасига эга бўлган халқлар ҳам ўз тили ва миллий маданиятларини бойитиб олам аро шон-шуҳрат топадилар.

Даҳо санъаткорлар шоҳ асарларининг ёрқин истеъдод ва юксак бадиият билан таржима қилиниши бундай асарлар таржимасига эга халқнинг маданий ва маънавий ҳаётида катта воқеа бўлиб, икки халқнинг маданиятини бир-бирига боғлаш орқали жаҳон маданияти тараққиётига ҳам хизмат қилади.

Дунё адабиёти тарихида фақат биргина нодир асари билан шуҳрат топган адиблар ва шоирлар бор. Франсуа Рабле «Гаргантюа»си

билан, Сервантес «Дон Кихот»и билан, Даниэль Дефо «Робинзон Крузо»си билан, Жонатан Свифт «Гулливвер»и билан шон-шуҳрат қозонганлар. Йоҳан Вольфганг Гёте эса шарқ мутафаккирлари Жомий ва Навоий каби жуда кўп шоҳ асарлар ёзган даҳо шоир ва жамоат арбобидир. Гётенинг «Фауст»и, «Ёш Вертернинг изтироблари», «Вильгельм Мейстер» номли икки жилдли эпопеяси, «Герман ва Доротея», «Тулки – Рейнеке», «Ахиллес» дostonлари, «Ғарбу Шарқ девони», 1600 та шеърдан иборат лирикаси (булар орасида «Прометей», «Коринфлик келин», «Мариенбад элегияси» жуда машҳур), «Нафосат ва ҳақиқат» мемуари, адабий ўйлари (20 китоб), минг саҳифага яқин афоризмлари, адабиёт ва санъат ҳақида фикрлари (2 жилд), 15 мингдан зиёд мактублари, суратлари, манзаралари, француз ва италян адабиётидан олмон тилига таржималари, ботаника, геология, минералогия, география, метеорология, оптикага доир асарлари, турли олимлар билан суҳбатлари дунёда шуҳрат топган.

Мутафаккир шоир вафотидан сўнг, 1887 – 1919 йилларда ватани Веймарда унинг 133 жилд (143 китоб)дан иборат куллийети нашр этилди. Гётега келган 50 мингга яқин мактубдан ҳали кўпчилиги эълон қилинмаган. Чиндан ҳам вулқон каби бу ижодий фаолият ҳайратланарлидир.

Жаҳон адабиёти, олмон адабиётининг но-дир дурдонаси «Фауст» достонини бутун дунё халқлари ўқиб, олам-олам завқ ва маърифат оладилар. «Фауст»ни ўз она тилига юксак бадиият билан таржима қила олган халқлар кўп эмас. Ўзбеклар ана шундай илғор халқлардан биридир.

Ҳар бир дурдона асарнинг тарихи бўлганидай, «Фауст» драматик достонининг ҳам ижодий тарихи бор. Ўрта асрларда Европада «Доктор Фауст қиссаси» номли халқ китоби бор эди. Бундай китоб антик даврда бўлмаган. Чунончи, антик даврдаги мажусийлик диний таълимотида Иблис – Мефистофель сиймоси йўқ эди. Аммо «Фауст»да қисман Геракл, Орфей ва Одиссей каби қаҳрамонларнинг Ерости олами, арвоқлар, марҳумлар диёрига саёҳати ҳақида мифологик ва поэтик асарларда ёзилган эди.

Гёте «Фауст» асарини бутун умри давомида ёзган. У буюк драматик достонини 1772 йилда бошлаб, 1831 йилда, ўлиmidан олти ой аввал ёзиб тугатган. Асарда даҳо шоир – инсоннинг бутун умри давомидаги ғоявий-маънавий изланишлари ва инсоният тарихидаги маънавий, фалсафий ютуқлар бадиий аксини тошган. Гёте бу асарида инсон руҳий оламидаги ҳою ҳаваслар, тубан истаклардан то олий онггача кечадиган барча интилишларнинг сир-асрорларини кашф эта олган. Бу шоҳ асарнинг узоқ йиллар давомида ёзилиш жа-

раёнида Европада, шу жумладан, Германияда, айниқса, Гётенинг шахсий ҳаётида жуда кўн ва муҳим ўзгаришлар юз берган. Мана шу тарихий тараққиётнинг мураккаб йиллари ҳам «Фауст» драматик достонининг турли, гоҳо бир-бирига зид, бир-бирини инкор этувчи бадиий-ғоявий қисмларида, унсурларида билиниб туради.

«Фауст»нинг биринчи ва иккинчи қисмлари бир-бирига ўхшамайди, ҳатто мувофиқ келмайди ҳам. Бироқ бу асарнинг камчилиги эмас, балки ҳаётнинг ўзида мавжуд бўлган реал борлиқ билан руҳият оламига, халқ поэтик ижодига хос фантастика, хаёлотнинг замзамали ўйинлари, шовқин-суронли шаҳар ҳаёти ва ҳувиллаб ётган кимсасиз ўрмонлар, шоҳона қасрлар ва аянчли харобалар, денгиз, уммонлар ва саҳролар, тоғлар ва водийлар тасвирлари айқаш-уйқаш, аралаш-қуралаш бўлиб кетган. Асарда кунлар ва тунлар, йил фасллари, тарихий даврлар алмашинади, турли-туман тоифадаги одамларнинг турлича руҳий ҳолатлари тасвирланади, бу одамлар севадилар, меҳнат қиладилар, ўйнаб-куладилар, изтироб чекадилар, урушадилар, ғолиб келадилар ва ҳалок бўладилар. Асардаги чегара билмас фантазия, хаёлот, қадимий ёки янги мифлар, афсоналар, эртаклар, фалсафий рамзлар – мажозлар ва тимсоллар ўқувчини ҳайратга солади.

Асарда мана шу шохлаб кетишлар, кенгкўламлик, аралаш-қуралашликларга қарамай, шакл ва мазмун яхлитлиги сезилиб туради. Асарнинг асосий мавзуи, барқарор ғояси – инсонларнинг чексиз билимларга интилиши ҳам, бунёдкор ва вайрон қилувчи куч-қудратга эга эканлиги, ҳал этиб бўлмас, фожеий зиддиятлар ечимининг топилмаслиги, яратувчанлик билан бирга адолатсизлик ва ноҳақликларга тўла мавжуд ҳаётдан кўнгли тўлмаслик асар қаҳрамонининг ҳам, муаллифнинг ҳам руҳий оламидаги зиддиятларни, қарама-қаршилиқларни ифодалайди.

Фауст ва Мефистофель баҳсларида инсон ақл-заковати, ижодий куч-қудрати, ғайратшижоати, олижаноб интилишлари билан бутун инсониятга бахт-саодат келтириб бўлмаслиги, энг оқил инсонларнинг ҳам чексиз билимларни эгаллаши халққа фойда келтирмаслиги, инсоният ҳеч қачон комилликка эришолмаслиги ҳақидаги ўйлар, кечинмалар ифодасини топган. Ҳатто инсонлар севгида ҳам бахт тополмайдилар, етук ва меҳрга ташна гўзал, вафодор маъшуқа ҳам бу ҳаётда қадрини тополмай, ҳалокатга учрайди.

«Инсонни заифликдан, дангасалиқдан, беғамликдан қутқариш учун, – дейди Мефистофель, – мен унга шу қадар куч-ғайрат берайки, у жин чалган (жинни) одамга ўхшаб сира тинчий олмасин».



Шоир ижтимоий тараққиётнинг зарурлиги ва фойдали эканлигини инкор этмаган ҳолда бу тараққиёт инсонларни одамийликдан узоқлаштиришини, ахлоқсиз, маънавиятсиз қилиб қўйиши мумкинлигини кўрсатади.

Мана шундай серқирра, мураккаб сюжетли, турли-туман поэтик ғояларга, теран фалсафий фикрларга бой, чексиз-чегарасиз билимга, етукликка, куч-қудрат соҳиби бўлишга интилувчи қаҳрамоннинг фожеий руҳидаги товланишларни ифодаловчи шоҳ асарнинг бор нафосатини, барча фазилатларини, поэтик бойликларини ўзбек тилида қайта тиклаш етук ва оташнафас, ёрқин истеъдодли шоирнинггина қўлидан келиши мумкин эди. Масалан, «Фауст»даги фаришталар хори, руҳлар хори, ялмоғизнинг сеҳрлаши, «Вальпургия кечаси»даги жинлар, шайтонларнинг ашула ва рақси каби ажойибот-ғаройиботларни Эркин Воҳидов шу қадар юксак маҳорат билан таржима қилганки, бу жиҳатдан у олмон даҳоси Гётенинг руҳиятига тўлиқ кириб борганлигини кўрамыз.

Гретхеннинг севги изтиробларини тасвирловчи мана бу сўзларга эътибор берайлик:

*У бўлмаса гар  
Енимда бир дам,  
Қоронгу бўлар  
Менга бу олам.*

*У қайда қолди?  
Қуйилар ёшим.  
Ақлим йуқолди,  
Айланди бошим.  
Кунглимда нечун  
Йуқ зарра ором?  
Хаёлдан кетмас  
Қадду қомати.  
У олган нафас,  
Барча одати...  
Унута олмам  
Майин сўзларин.  
Табассумин ҳам  
Ениқ кўзларин...*

Бизнингча, Гретхеннинг бу ҳолати машҳур рус шоирлари Б.Пастернак ва Н.Холодковский таржимасига нисбатан Эркин Воҳидовда табиийроқ ва майинроқ чиққан.

Гётенинг «Фауст»ида, унинг фантастик, рамзий шаклига қарамай, улкан ҳақиқат мужассам. Фауст образи Гёте давридаги немис жамияти ҳаётининг тўла инъикосидир. Германия воқелиги, ўзбек таржимонидан икки аср ошиқроқ олисда бўлишига қарамай, Эркин Воҳидов таржимасида тўла акс этган.

«Фауст»да XVIII аср охири – XIX аср бошларида Германиядаги бутун адабий-фалсафий ҳаракат ифодаланган. Асар ижтимоий муаммоларга тўла ҳаёт билан узвий боғлиқ, айна

пайтда, ўз даври учун мураккаб, ўта долзарб фалсафий мазмунга йўғрилган.

Фалсафий фожиа сифатида «Фауст»нинг ўзига хослигини бадий тузилишига хос кўпгина фазилатлари белгилайди. Унда афоризмга бой сатрлар ниҳоятда кўп. Бундай сатрлар Гёте дунёқарашининг турли қирраларини ифодалайди ва ўқувчи хотирасига маҳкам ўрнашиб, мустақил яшайди. Асар муқаддимасидаги қуйма сатрлар Гётенинг машҳур афоризмлари сирасига киради. Бу сатрлар Эркин Воҳидов таржимасида шундай жаранглайди:

*Жилванинг умридир бир лаҳза фақат,  
Авлодларга қолур ҳақиқий санъат.*

«Самодаги муқаддима»да фожианинг муҳим умидбахш ғояларидан бири ифодаланган. Тангри Фаустнинг тақдирини Мефистофелга топширар экан, охир-оқибат Мефистофел устидан, яхшилиқнинг ёвузлик устидан, ҳақнинг ноҳақ устидан ғалаба қозонишига ишонади:

*Зулматдан йўл топиб чиқолур инсон,  
Унга чироқ бўлур мен берган идрок.*

Гётенинг инсонга ишончини ифодаловчи бу ажойиб некбин афоризми Н.Холодковский-

нинг олмончадан қилган таржимасида унча муваффақиятли чиқмаган. Б.Пастернак таржимасида тушириб қолдирилган бу сатрлар Пошали Усмоннинг олмончадан таржимасида шундай ифодаланади:

*Чин эҳтиросли, бетиним инсон  
Ҳақиқат йўлини топар бегумон.*

«Фауст» фожиаси «Самодаги муқаддима»сида Худо Фаустга ҳар қандай изловчи инсонга адашиш ва ҳақ йўлни топиш хослигини башорат қилади. Зеро, «ҳалол одам кўркўрона изланишларида ҳақ йўл қаердалигини барибир англайди», бу йўл чинакам ҳаёт моҳиятини очишга тинимсиз интилиш йўлидир. Вильгельм Мейстер сингари Фауст ҳам ўз ҳаётининг асл моҳиятини англаб етишдан олдин бир қатор таълим босқичларидан ўтади.

Биринчи босқич унинг соддадил Гретхенга муҳаббатидир. Бу муҳаббат фожиали тугайди. Фауст Гретхенни ташлаб кетади. У бўлса туфилган гўдакни ўлдириб, ўзи ҳам ҳалок бўлади. Лекин Фауст бошқача йўл тутолмайди, у тор оилавий доирага ўралашиб қолишга, хонанишин бахтга кўника олмайди, Герман («Герман ва Доротея») қисматини истамайди. У беихтиёр янада баландроқ уфқларга интилади.

Иккинчи босқич унинг Елена билан иттифоқидир. Бу иттифоқ санъатга бағишланган ҳаёт рамзи бўлиши керак. Фауст кўркам дарахтзор қуршовида гўзал юнон қизи билан вақтинча таскин топади. Аммо у бу босқичда ҳам тўхтаб қололмайди, учинчи, сўнгги босқичга қадам қўяди. Нариги дунёдаги азобларни бутунлай рад этиб, «Вильгельм Мейстернинг саргардон йиллари»даги сингари «воз кечиб», ўз куч-қувватини жамият хизматига бағишлашга қарор қилади. Бахтли, эркин фуқаролар давлатини тузиш ниятида денгиздан ўзлаштирилган ерда улкан қурилиш бошлайди. Бироқ унда ўзига раҳнамолик қилаётган кучдан қутулиш майли пайдо бўлади. Мефистофель савдо флоти сардори ва қурилиш ишлари бошлиғи сифатида Фаустнинг буйруқларига зид равишда қадимий бутхона ёнида ўз қўрғонларида яшаётган икки деҳқон – Филемон ва Бовкидани ўлдиради. Фауст бундан даҳшатга тушади. Лекин у, барибир, ўз ғояларининг тантанасига ишонган ҳолда умрининг охиригача қурилиш ишларига раҳбарлик қилади.

Шуни айтиш жоизки, Гёте «Самодаги муқаддима»да «Фауст» фожиасининг ғоявий-фалсафий ва поэтик хусусиятларини берган. Эркин Воҳидов «Муқаддима»нинг мавзуси, поэтик киноя ва фалсафий моҳиятини яхши илғаб олган. Шу билан бирга, у Б.Пастернакнинг немисча таржимасидан нусха кучир-

майди, балки аслиятга хос бўлган уйғунлик (оҳанг, воқеа ва тарона)ни аниқлаштиради, айни пайтда, аслият мазмунига маълум даражада амал қилган ҳолда асарнинг бадиий тилини моҳирона шеърини куйга солади.

«Бағишлов»нинг ғамгин, уйчан ва бироз ташвишли оҳанглари ўзбекча таржимада Гётенинг ташвиш ва изтиробларини аниқ ифодалайди.

*Яна чорлар мени илоҳий бир ун,  
Яна хаёлларга чулганди бошим.  
Сабо арфасидек ҳазин ва сермунг  
Қуйилар сатрлар, қани бардошим?  
Музлаган жисмимни эритар букун  
Кузимдан қуйилган қайноқ бу ёшим.  
Бу олам чекинур, утмиш-чи, аён  
Кузларим олдида бўлур намоён.*

Дарҳақиқат, Эркин Воҳидов Гёте фалсафий концепцияси моҳиятини теран тушуниб, фалсафий шеърини таржимаси талабларига қатъий амал қилади. Хусусан, тилнинг аниқлиги, нафосати, лундалиги, бадиийлигига риоя этган ҳолда уларнинг ғоявийлиги, илмийлиги, муаммоларини драматик дoston қаҳрамонлари нутқидаги узига хослик воситасида уйғунлаштиради.

Фауст ҳақидаги илк баҳони «Самодаги муқаддима»да Мефистофель беради. Э.Воҳидов

таржимасида бу ўзбек тилининг жонли нутқ оҳангига мос тарзда эркин жаранглайди. Шоир қўллаган аллитерациялар олмон шеър тузилишига хослиги туфайли жуда ўринли чиққан:

*Истар – юлдузларин узатсин осмон,  
Ер эса бахш этсин туганмас сафо,  
Ва лекин ҳар нечук бўлса-да комрон,  
Таскин топа олмас у кўнгил асло.*

Фаустнинг биринчи монологи олмон фольклорига хос анъанавий силлабо тоник вазнда битилган. Гёте уни фалсафий мушоҳадалар ва лирик жўшқинлик билан тўлдиради.

Фаустнинг ана шу нутқи Э.Воҳидов томонидан немис халқ ижодига яқин бўлган оҳанг орқали ёрқин ифодаланади. Гёте образнинг халқчиллигини ифодалаш учун ана шундай ижодий усулдан фойдаланган эди.

Киноя ва истеҳзодан ғамгин ачинишга, ғамгин ачинишдан мардона умидлар ва мағрур ишончга ўтиш лавҳалари тўсатдан ва кескин, айти иайтда, табиий ва эмин-эркин тасвирланади. Аслиятдаги инсон руҳий олами кайфият қирралари ва поэтик ифодали фикрлар Э.Воҳидовнинг ўзбеккона шеъриятида янада жонланади:

*Илоҳиёт ила банд бўлдим,  
Файласуфи хирадманд бўлдим.  
Илми ҳуқуқ, илми табобат –  
Барчасини ўргандим, фақат,  
Фақат менга бир нарса аён:  
Нодон эдим, нодонман ҳамон.*

«Фаустнинг ишхонаси» саҳнасида Гёте қаҳрамон тилидан қуйидаги афоризмни келтиради: табиат кучини англаш инсон қудратининг манбаидир. Эркин Воҳидов мазкур афоризмдаги асосий фалсафий мазмунни тула сақлаб қола олган.

*Кимга бу дуо  
Бўлмаса ошно,  
Ким сеҳр кучин  
Ўз нафи учун  
Билмаса агар,  
У не афсунгар?*

Пошали Усмонда:

*Ким агар билмас  
Моддалар сирин,  
Кучин, хоссасин,  
Ҳоким булолмас  
Иблису жинлар  
Устидан зинҳор.*



Фаустнинг (Мефистофель билан иккинчи учрашуви саҳнаси) монологларидан бири диққатни жалб қилади. Бу ерда гётеча танқид ва инкор руҳи алоҳида куч билан ифодаланади. Гёте қаҳрамони «шон-шуҳрат алдови»ни лаънатлайди, айниқса, олтин маъбуди – Мамонани алоҳида эҳтирос билан қарғайди:

*Лаънат бўлсин авраб инсонни  
Аллалаган ўша туйғуга.  
Лаънат бўлсин табаррук жонни  
Тан гориға солган оғуга.  
Лаънат адо қилгувчи бизни  
Кунгилдаги такаббурга ҳам.  
Лаънат мургак ҳисларимизни  
Алдагувчи тасаввурга ҳам.  
Лаънат сенга, бизни банд этган  
Турмуш ўйи, оила шуҳрат...  
Лаҳза бизни сарбаланд этган  
Ширин тушлар, сизга ҳам лаънат!  
Сенга ҳам, эй бойликка ружу,  
Лаънат бўлсин бутун умрга.  
Лаънат бўлсин муҳаббатгаю  
Шароб берган тотли сурурга.*

«Фауст»нинг ўзбекча матнида аслиятга хос мантиқий ва шеърий-руҳий мазмуни ўта аниқлик билан ифодаланган. Буни монолог ўртасидан олинган муҳим парча билан таққослаганда яққол ҳис этиш мумкин.

*Қоч бу ердан, утказма дамни!  
Кет ва ҳамроҳ этиб йўлингга  
Сирлар тула Нострадамнинг  
Китобини олгин қўлингга.  
Шунда сенга юлдузли само  
Аён қилур тириклик розин.  
Кунглинг булур догдан мусаффо,  
Тинглагайсан руҳлар овозин.*

Эркин Воҳидов Гётенинг эшик тасаввур мантиғи ва Фауст монологларининг лирик ҳис-ҳаяжонга тўлалигини ҳисобга олиб шеърий сатрдаги ҳар бир унсур мазмун ва эмоционал-эстетик аҳамиятига кўра аслиятга эквивалент бўлишини таъминлашга, унинг қийматини сақлаб қолишга интилади.

Фаустнинг оламни идрок этишдаги зиддиятли кечинмалари шаҳар дарвозаси олдида Вагнер билан суҳбатида моҳирона тасвирланган. Ву сахна Воҳидов таржимасида шундай жаранглайди:

*Сенга фақатгина битта тилак ёр,  
Тамом бегонадир ўзга бир дунё.  
Менинг кўксимда-чи, икки юрак бор,  
Иккиси бир-бирин тан олмас асло.  
Бири она ернинг меҳрига тўлиг,  
Вужудимни қилур тупроққа пайванд.  
Бирининг оташи қуёшдан улуг,  
Парвоз этмоқ булур юлдуздан баланд.*

Эркин Воҳидов аслиятга хос поэтик моҳиятни туғри талқин этади. Ўзбек шоири дostonнинг умумий маъноси ва оҳангини сақлаб қолган ҳолда асардаги ҳал этилмас зиддият-ни ўзича қабул қилади, уни қандай ҳис қилишни ўқувчига етказди. Шу билан бирга, у кўпгина таржимонларга нисбатан Гётенинг руҳи ва шеърый фикр тизими-га анча яқин эканини намоён этади. Эркин Воҳидов асар-ни таржима қилар экан, аслиятнинг оҳанг тизимини сақлаб қолишдан ташқари унинг умумий руҳи ва маъносини ҳам беришга, Гёте шеъриятига хос асосий оҳангни топишга ин-тилади, бунинг учун ҳозирги ўзбек тилининг барча поэтик воситаларидан самарали фойда-ланади.

Асарнинг моҳиятини тушунишда Фауст-нинг Мефистофель билан иккинчи учрашуви саҳнаси муҳим аҳамиятга эга. Э.Воҳидов бу ҳолатни ҳам моҳирона таржима қилади:

*Қай либосда бўлмай, барибир, қалбан  
Сезажак не гусса бўлса дунёда.  
Ёлғиз сафо учун кексайиб қолдим,  
Бехавас бўлмакка ёшман зиёда.  
Не берур мен узим билмаган олам?  
«Тобе бул, сабр ила чекавер алам!»*

Бу мавзуда Э.Воҳидовнинг ўз шеърлари бор. Зоҳиран улар оддий, кундалик, кинояли

шеърлардир. Кучли эҳтирос соҳиби бўлган шоирни мушоҳадаси теран XX аср ўзбек Фауст-ти дейишимиз мумкин.

Гёте асарида марказий ўринлардан бирини жаҳон адабиётидаги мураккаб образлардан бўлган Мефистофель эгаллайди. У фақат зиддият тимсолигина эмас, ёвузлик рамзидир. Бу образ орқали Гёте ўрта асрлар Германиясидаги қусурларни акс эттиради. Гётенинг ғоясига кўра Мефистофель гоҳ Фауст сиймосида, гоҳо масхарабоз ниқобида, гоҳида эса Фаркиада қиёфасида чиқади. Лекин ҳамма ерда ва ҳамиша унинг ўзигагина хос бўлган хатти-ҳаракати, сўзлаш тарзи, хулқ-атвори сақланиб қолади. Шу муносабат билан таъкидлаш жоизки, Эркин Воҳидов аслиятга тенг қимматли улубий хусусиятлардан фойдаланиб Мефистофиелнинг иблисона ташқи қиёфасини, ўзига хос сатирик-юмористик нутқи оҳангини, поэтик-фалсафий моҳиятини сақлай олган. Асарнинг ўзбекча таржимасида қаҳрамонларнинг нутқидаги юмор, шунингдек, ўзига хос фикрлаш тарзи ёрқин акс этган.

Гётенинг халқ тилини нечоғлик маҳорат билан эгаллагани «Фауст» саҳифаларидаги Маргарита нутқида ҳам яққол сезилиб туради. Маргаританинг барча луқмалари ва монологлари дўлвор, самимий. Маргаританинг аниқ ва содда нутқида Э.Воҳидов

бу образга хос жозибадорликни бера олган. Айниқса, «Турма» бобидаги охирги саҳнада ақлдан озган бу қизнинг пойма-пой гўдакларча гапларини моҳирона ўтиришга муваффақ бўлган.

Маргарита содда феъл-атвори, самимийлиги ва меҳнатсеварлиги, гўзаллиги ва дилкашлиги билан ажралиб туради. Эркин Воҳидов ўзбек поэзиясида Маргарита образини ёрқин яратганини, унинг олижаноб фазилатларини китобхонларга етказа олганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Гёте «Фауст»ни бутун умри бўйи ёзди. Афтидан, Эркин Воҳидов ҳам «Фауст» таржимасига кўп йиллар тайёрланган ва яна беш йил ижодий заҳмат чеккан.

Шоирнинг айрим шеърларини эслаб кўрсак Гёте асарларидаги образлар унинг хаёлини кўздан банд этганига ишонч ҳосил қиламиз. Шоир бокира Маргаританинг ишонувчанлиги, баҳорий мусаффолиги, муҳаббат дардига мубтало бўлганлигини ишончли тасвирлайди. Бу ҳол Гёте тасвирлаган баҳор байрами сайли бобида яққол кўзга ташланади. Маргарита Фауст билан яна шу сайлда учрашади. «Дарвоза олдида» саҳнасининг барча ҳаётий қувончларини таржимон Эркин Воҳидов жуда нозик ҳис эта олган.

«Фауст»нинг ўзбекча таржимасидаги бутун нафосат ҳам ана шунда. Айнан шу ерда шоир

ва таржимон овозлари бирлашади, бир-бирига жўр бўлади ва биз уни ўқиб Гёге руҳига янада яқинлашамиз.

Шарҳлар ҳар қанча аниқ ва сифатли бўлмасин, лекин барибир у таржима билан аслиятни яқинлаштирувчи ўша фантазия эркинлиги, уйғун ва муштарақлигини тушунтириш учун кифоя қилмайди. Гётени ўқиш учун кенг қамровли ва яхши шарҳлар керак. Аммо таржимон олдида қийинчиликлар янада ортади. Зеро, унинг матнга янада зукколик билан ёндашуви талаб этилади.

«Фауст»нинг аввалги таржималарида муаллифлар аниқликка амал қиламиз деб матннинг кўчма маъноларини илғай олмаганлар. Чунки бундай маънолар фарқини оддий луғатлар ёрдамида сезиш қийин. Гёте олами ниҳоятда бой ва теран образлар билан тўла. Унинг тафаккури шу қадар кенгки, тарих, маданият ва фан соҳаларида образли айтилган ҳар бир фикрини англаш учун қомуслар ва маълумотномаларга мурожаат қилишга тўғри келади. Шу боисдан ҳам кенг ўқувчилар оммаси, айниқса, асарнинг иккинчи қисмини ўқишга қийналадилар.

Нега энди бу мураккаб, фалсафий дoston ўзбек тилида равон ўқилади?

Шунинг учунки, Э.Воҳидов Гёте поэтикасининг луғавий ва маънавий оламида ўзини

эркин ҳис қилиб, Гёте тилини, унинг ифода воситаларини, маданиятини яхши эгаллаб олган эди. Унинг жозоба кучига, иродасига бутунлай бўйсуниб, шу маданият юки остида эзилиб қолмади, балки уни ўзбек китобхонига бор илиқлиги, барча ранг-баранг шакллари билан очиб кўрсатиш заҳматига чидай олди. Гётени англаш қийинлиги сабабли ўзбек шоири ўз билимини ошириш, маънолар уфқини кенгайтириш имконини топди. Лекин қийинчилик фақат шундагина эмас эди.

Қаҳрамонлар характерлари тўқнашган барча ҳолатларда Эркин Воҳидов персонажлар нутқини аниқ ва ёрқин ҳолда ифода қила олади. Таржимон мазкур қаҳрамонни асарда иштирок этувчи кўплаб шахслар ва образлар оммаси орасидан ажратиб, айнан ўша шахсга хос ифодаларни бера билади. «Фауст»нинг иккинчи қисмида сфинкс ва грифлар образлари ўта хаёлийдек туюлади. Лекин Гёте уларга ҳам «ўзига хос нутқ» беради, махлуқот тилида гапиртиради ва биз уларни жуда яхши тушунамиз. Уларнинг сўзларидан ҳарфхўрлар, сохта олимларга хос нутқларни ҳис этамиз.

Мефистофель «қария грифчалар»га қаратилган саломлашув мурожаатига жавобан грифлар шундай дейдилар:

## Гриф (бўғиқ):

*Ажаб, қандай гуруҳ? Грифлармиз биз.  
Кекса гуруҳга ҳеч йўқ алоқамиз.  
Қари деб ном олиш кимга ҳам ёқур?  
Ҳар бир сўз маъносин қилмоқ унун ҳис  
Аҳли дониш узак товушга боқур.  
Бизнинг номимизга бўлибди уйқаш  
Гиряю гириҳу гирдлиг, гирифтор.  
Бу сўзларнинг бари грифга ухшаш,  
Булмоқ истамаймиз биз уларга ёр.*

Ушбу луқмада ташқи кўриниши қўрқинч-ли қанотли махлуқ сифатида тасвирланган мажозий образ орқали шаклбоз сохта олимларни тасаввур қилиш қийин эмас. Бу луқма уларнинг ўзи қандай эканлигини яққол кўрсатиб турибди. Таржиманинг қийматини таъкидлаш учун шу мисолнинг ўзи етарли.

Қуйидаги парча ҳам мазмундорлиги, теранлиги билан ажралиб туради:

*Хоқонимиз тезроқ драма  
Бошлансин деб бердилар фармон.  
Сурил, девор! Ана, гиламлар  
Кўтарилди аста баландга,  
Бамисоли ураб аланга.  
Мана, саҳна бўлди намоён,  
Сирли шуъла таратмоқда жим,  
Мен саҳнанинг олдига чиқдим.*



Ҳа, декорациялар силжийди, уларни гўё аланга қамраб олгандай бўлади, сахнавий поэтик нутқ эса кишига ниҳоятда кучли таъсир этади. Бу таъсир поэтика қоидаларига хос ўлчовлар ва ҳисоб-китобларга сиғмайди. Бу буюк жасоратларга қодир инсон қудратининг таъсири, холос. Инсон тасаввурининг энг ажойиб ижоди уни ҳақиқатга айлантиради.

Майли, Парис билан Елена сарой хонимлари ва уларнинг хушторлари танқидига учрайверсинлар; лекин улар айнан шундайлигича, афсоналарда куйланганидай, бош кўтараверадилар. Меҳрибон «доктор Фауст», халқ ривоятларида таърифлангандай, ҳақиқатга айланади. Гётенинг ўзи ҳам Эркин Воҳидов туфайли бизнинг кўз ўнгимизда ажойиб инсоний қудрати билан буюк шоир сифатида қад ростлайди.

Такрор айтамиз, Гёте поэтикаси шу қадар мураккаб, ўзига хоски, унинг шеърий ўлчамлари ва хусусиятларини санаб чиқиш беҳуда меҳнат бўлган бўларди. Бинобарин, Эркин Воҳидовнинг Гёте шеърияти жозибасини шу қадар аниқ ифодалай олган таржимонлик маҳоратини чуқур эътироф этиш жоиз. Шу ўринда «Фауст»да Елена билан Парис сахнада пайдо бўлганидан кейин мазкур шеър кўп овозли пардаларда қандай жаранглашини кўриб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Фауст ўз тасавуридаги Елена қиёфасига мафтун бўлади.

**Фауст:**

*Ҳақиқатми ва ёки руё  
Кўрганим бул пари жамоли?  
Чинданми ул қаршимда пайдо,  
Гузалликнинг буюк камоли?*

*Менинг барча кучу иродам –  
Донишим ҳам ва жунуним ҳам,  
Шавқим, ишқим, ҳаётим бари  
Сенга бўлсин, эй гузал пари.*

Асарнинг иккинчи қисми мен учун ҳа-миша ўтиб бўлмас маррадек эди. Нима қи-лишни билмасдим. Уни англай олмасдим. Гётени эса асосан «Вильгельм Мейстернинг саргардонлик йиллари» бўйича қадрлардим. Бу асар менга инсонийроқ ва қизиқарлироқ туюларди.

Эркин Воҳидов таржимасини мен мактаб йилларида биринчи марта қўлга олгандим. Бутун тун бўйи уни ўқиб чиқдим, эртаси куни ҳам барча ишимни йиғиштириб ўша асар би-лан банд бўлдим. Дафъатан операдаги Фауст ва операдаги Маргаритани эмас, балки ўрта асрлар немис шаҳарчасини кўрдим. Унда фан ва тафаккурнинг келажакда одамлар боши-га нечоғлик кулфатлар ёғдириши мумкин-

лигини олдиндан кўриб, роса ғамга ботган одам ўзини у ёқдан-бу ёққа урарди. Бу одам ҳаётининг бемаънилигидан эзилган, ғамга ботганди.

Эркин Воҳидов «Фауст» асарининг ҳар икки қисмини мукаммал, юксак бадий таржима қилди, Гёте шеъриятининг гўзаллигини ўзбек тилида қайта жонлантди. Шунинг учун кимда-ким Гёте мушоҳадасини англашни истаса, унинг образларини тушунмоқчи бўлса айнан Эркин Воҳидов таржимасига мурожаат қилиши лозим.

Эркин Воҳидов «Фауст» таржимасида ўзбек тили, шеъриятига хос бой имкониятларни очди, бадий ифоданинг турли усулларида фойдаланиб назмий сўзни фалсафага уйғунлаштирди, шу билан Гёте услубини ва асарининг миллий руҳини намоён этди. Таржимоннинг кенг заковати унинг сўзлар, қофиялар, иборалар, афоризмлар, оҳангдош туроқларни яхши танлай билишида кўриниб турибди. Шу боисдан «Фауст»нинг ўзбекча таржимаси енгил ўқилади, юракларни ҳаяжонга солади, аслиятни аниқ акс эттиради.

Эркин Воҳидов маҳорати ва мушоҳада доирасининг кенглиги лирик драматизмни назмий уйғунликда ҳамда аслиятдаги бетакрор юмор ва фалсафий мазмунни оҳангдош услубда бера билишида намоён бўлди. Гёте ижодий услубини чуқур ўрганиш Эр-

кин Воҳидовга бу улуг асарнинг миллий руҳи, юксак бадииятини ифодалаш имкони-ни берди.

Теран фалсафий фикрларга тўла сатрлар, рамзлар, ажойиб, теша тегмаган қиёслашлар «Фауст»нинг ўзбекча таржимасини безаб турибди. Бу эса ўзбек тилида янги-янги бадиий ифода воситалари топа билган Эркин Воҳидовнинг сўз бойлигидан далолат беради. Сатрларнинг бадиий ифодаси, ёрқин ва турфа образлар Гёте руҳини сақлаб қолишга интилган шоир-таржимоннинг мулоҳазакор, машаққатли ва бунёдкор меҳнатига гувоҳдир. Китобхонга таъсир кучига кўра ўзбекча «Фауст» аслиятдан ва Б.Пастернакнинг русча таржимасидан қолишмайди.

Эркин Воҳидовнинг ўзбекча «Фауст»и ўзбек маданиятини юксакликка кўтарган нодир асарлардан бирига айланди. Асар Ўзбекистон ва Германия халқларига – Гётени севувчи ва қадрловчиларга, улар қаерда яшашларидан қатъи назар, азиз тухфадир. Ўзбек шоири жаҳон адабиётининг маънавий-фалсафий муаммолари шарҳи мезонларидан бири бўлган «Фауст» таржимаси воситасида немис-ўзбек маданий алоқалари тарихида янги саҳифа очди. Жаҳон шеъриятининг дурдонасини ўзлаштириш ўзбек таржима адабиётининг улкан ютуғига айланди.

Албатта, Гётенинг буюк асари ўзбек тилига яна ўгирилиши мумкин (бадий таржиманинг ўзига хослиги ана шунда). Лекин Эркин Воҳидовнинг таржимаси ўз аҳамиятини йўқотмайди, ноёб шеърини санъат намунаси сифатида Гёте ижодининг бадий-эстетик, тарихий-фалсафий ва табиий-илмий чуққисини забт этишга илҳомлантираверади.

## «Дастлаб амал бўлган...»<sup>28</sup>

(Гётенинг «Фауст»идаги  
бир сўз маъноси ва унинг  
таржимаси ҳақида)

Гёте ўзининг шоҳ асарини ярат-  
гандан сўнг рошпа-роса 200 йил ўтгач «Фауст»  
ўзбек тилида нашр этилди. Уни ўзбек тилига  
Эркин Воҳидов ўгирган эди.

*Ой ўртанар, кўзларида ёш,  
Бағри доғу юраги қийма.  
Дер: эй фалак, мен эдим қуёш,  
Нега мени қилдинг таржима?*

Эркин Воҳидовнинг бу сатрлари «Фауст»-  
ни таржима қилишга киришган пайтларда  
ёзилган. Буюк Гёте ўн беш минг мисрага яқин  
«Фауст»ни олтмиш йил ёзган. Улуғ шоирнинг  
фикри ва фалсафаси, у яшаган замон ва ма-  
кон руҳи моҳирона берилган шоҳ асарни Э.Во-  
ҳидов ўзбек шеърояти оламига олиб кирди.

<sup>28</sup> Саидов А. Дастлаб амал бўлган... // Хуррият. 2007 йил  
4 апрель.

Шу тариқа «инсоният тарихининг мағзи» бўлмиш «Фауст» ўзбек халқининг ҳам мулкига айланди.

1972 йили Ёзувчилар уюшмасида «Фауст» таржимаси тақдимномаси бўлган. Унда академик Воҳид Зоҳидов ҳам иштирок этган. «Бу асарни куни кеча қўлга олдим ва уни тўлиқ ўқиб чиқишга вақтим бўлмади, – деганди тақдимотда сўз олган академик. – Аммо «Фауст»даги икки муҳим жой Эркин Воҳидов томонидан қандай таржима қилинганлиги билан қизиқиб кўрдим. Биринчиси «Теория, друг мой, суха» жумласи таржимон томонидан «Назария қуруқ оғочдир» деб ўгирилибди. Жуда моҳирона таржима! Бу жумла «Назария қуруқдир» деб берилиши ҳам мумкин эди. Бироқ таржимон Гёте даҳосига ўта ижодкорона ёндашган. Худди шундай фикрни «Инжил»даги «Слово» сўзи таржимаси ҳақида ҳам билдириш мумкин».

Нима учун муҳтарам академигимиз бу серқирра, чуқур маъноли, мураккаб фалсафий мушоҳадаларга тўла, ҳажм жиҳатидан ҳам йирик асардаги бевосита шу бир «Калом» таржимасига алоҳида эътибор қаратган?

«Инжил»даги бу сўз таржимаси билан боғлиқ сахна «Фауст»да марказий ўринни эгаллайди:

*«Дастлаб Калом бўлган». Илк сатрданоқ  
Мени лол этди-ку мураккаб жумбоқ,*

*Нима бўлди экан бунинг маъноси?  
Наҳот, сўз оламнинг бўлса асоси?*

Трагедияда Фауст бу илоҳий сўз қандай таржима қилинса, маъноси тўғри бўлиши ҳақида мулоҳаза юритади. Инжилда илоҳий хушxabар «Азалда Калом бор эди» деб бошла-ниши яхши маълум. Дарҳақиқат, ушбу ило-ҳий хушxabар Қуръони каримнинг 55-сураси 2-оятида ҳам келтирилган. Фауст бу ҳақда: «Наҳот, сўз оламнинг бўлса асоси?» – дея маз-кур таърифга янги-янги маъно бахш этишга интилади. Унинг ўзи ана шундай Инсон туб моҳиятини англаш учун бетиним изланади-ган файласуфдир. У борлиқнинг азали ва ин-тиҳоси илдизларига етиш учун ҳар қандай из-тиробга тайёр. Бунга ҳатто Мефистофель ҳам ҳайрон:

*Шундай уқубатда яшарки одам,  
Раҳмим келар ҳатто менинг ҳам.*

Тангри Мефистофелнинг бу таажжубига қуйидагича жавоб беради:

*Фаустни танирсан?*

*Қулим.*

*У то тирик экан қўлингда сенинг.*

*Изланиш бор ерда адашиш ҳам бор.*



Шайтон қиёфасидаги Мефистофелнинг ўзида изланиш руҳи ҳукмрон бундай олимни ҳам йўлдан уришига ишончи комил. Бунинг учун у Тангридан Фаустни синаб кўришга ризолик олади.

Фауст илмга ғайритабиий даражада чанқоқ олим, у ҳамиша ҳақиқатга интилади, ҳатто ўзини Илоҳга тенглаштиради, бироқ Ер Руҳи билан учрашганидан кейин хатосига иқрор бўлиб, ўзининг нақадар номукамаллигини англайди. Шундай бўлса ҳам, ўзида шайтонга қалбини сотмайдиган маънавий ва руҳий қудрат борлигига амин. Шунинг учун у иблис билан шартнома тузишдан ҳайиқмайди.

Мефистофель – ута фирибгар ва ҳийлагар. У Фаустнинг хонасида лайча қиёфасида пайдо бўлади, олим билан юзма-юз қолгандагина ҳақиқий башарасини кўрсатади. Фауст билан шайтон ўртасидаги келишувга мувофиқ Мефистофель олим ҳаётлиги даврида унинг қулига айланади.

Иблис Фаустни дастлаб «Кичик», сўнгра «Катта давра»га «олиб киради». Фауст гўзал Еленага уйланади, кўҳна салтанатлар маҳобатининг гувоҳи бўлади. У оламни такомиллаштириш буюк ғоялари доим барҳаёт бўлиши, эзгулик албатта тантана қилишига ишонч билан ҳаётдан кўз юмади. Фауст бошига тушган уқубатлар олдида таслим бўлмайди, кўр бўлиши, кексайишига қарамай,

маънавий камол топади. Мефистофель унинг руҳан заиф эканлигини исботлай олмайди ва ўзи мағлуб бўлади.

Гёте шоҳ асари қаҳрамони олим ва ҳуқуқ-шуносдир. У реал тарихий шахс. Фауст XVI асрда Германияда яшаган, шифокорлик қилган, афсунгар кимёгарлиги ҳам маълум. Унинг ақл бовар қилмайдиган муъжизакорлиги, исёнкор руҳи ҳақида афсоналар тўқилган. Фауст тўғрисидаги ривоятлар авлоддан-авлодга ўтиб келган. Бу тарихий шахс ҳаётлик вақтидаёқ ўз руҳини шайтонга сотган деган мишмишлар тарқалган эди. Айнан шу боис Фауст халқ ижодиётига мансуб китоблар ва қўғирчоқ томошалари қаҳрамони бўлган. Лекин у фақат шу билан машҳур эмасди.

Фауст образи Виллям Шекспирнинг замондоши, инглиз Кристофер Марло драмаси, романтизмгача мавжуд бўлган «Бўрон ва шиддат» (у шу номдаги пьеса муаллифи ҳамдир) оқимининг асосчиси немис Клингер романида, шунингдек, бир қанча бошқа адабий асарларда ўз аксини топган.

«Бўрон ва шиддат» ҳаракати етакчиларидан бири, заҳархандалиги билан машҳур бўлган Иоганн-Генрих Мерк эса Мефистофелнинг ҳаётдаги прототипи эди. Иблис билан «қариндошлик» унинг учун аянчли тугади: Меркнинг барча фарзандлари бевақт ўлиб

кетди, 1791 йили эса у руҳий хасталиги оқи-  
батада ўзини ўзи отиб ўлдирди.

Кўриниб турибдики, Гёте Фауст ҳақида асар яратишга қарор қилган адибларнинг биринчиси эмас. Аммо Фауст шахсига ёндашишдаги ўзига хослик Гетё шоҳ асарини бошқалардан кескин фарқлаб туради. Трагедиянинг яқунланиши худди ана шунинг далолатидир. Фауст бошқа адиблар «Фауст»лари сингари шайтонлар томонидан тилка-пора қилинмайди, аксинча, фаришталар томонидан осмонга олиб чиқиб кетилади. Фикримизча, у инсоннинг чўққилардек сарбаланд мавқеи тимсоли бўлиб, одамзоднинг ўз қудратига ишончи рамзидир.

Гёте асарида олим Фаустнинг хонаси готик услубдаги қоронғи равоқлар сифатида тасвирланади. Бу ўрта асрлар даврининг зоҳид инсон тўғрисидаги тасаввурлари билан уйғунлашиб кетган. Фауст қандай қилиб бўлса-да мана шундай ўзини ўраб турган, чекланган олам, биқиқ хонаси тутқунлигидан озодликка чиқишга интилади. Зеро, ўз-ўзини камол топтиришнинг интиҳоси бўлмайди. Изланувчан тафаккур олим олдига ҳамиша янги, янада мураккаброқ вазифалар қўяверади.

Фауст – фавқулодда серғайрат, битмас-туганмас куч-қудратга эга фаол инсон. Ёрдамчиси Вагнер эса унинг тескарисидир. Вагнер учун билим оламни ва ўзини идрок этиш эмас,

балки ўқиб тугатилган китоблар сони билан ўлчанадиган соф миқдорий тушунчадир.

Ўрта аср фани сохта илмийлигидан ҳафсаласи пир бўлган Фауст афсунгарликка берилади. Бу у оломоннинг ҳамду саносини истеҳзо билан қаршилаган учинчи саҳнада намоён бўлади. Олим Коинот билан муштарак бўлиш, унинг сир-синоатларини билиш истагида тажриба ўтказиб, сал қолса ўзини ҳалок этаёзганди. Гарчи Фауст ибодатхоналарга кўп қадам ранжида қилавермаган бўлса ҳам, бевосита черков бонги жаранглари ва хор қўшиғи уни ҳушига келтиради, ўзи содир этаётганларининг куфрлигини англашига имкон беради.

Гётенинг ушбу асари қарийб 60 йил давомида битилди ва шу сабабли у ўзида адибнинг ҳаёт тажрибасини ҳам, теран, яширин маъноларни ҳам мужассамлаштирган. Гёте худди асар қаҳрамони сингари олим ва ҳуқуқшунос бўлганлиги, айниқса, эътиборга моликдир.

Гёте Фауст тилида шундай дейди:

*Илоҳиёт ила банд бўлдим,  
Файласуфи хирадманд бўлдим.  
Илми ҳуқуқ, илми табобат –  
Барчасини ўргандим...*

Фауст эса тарихий шахс сифатида фақат олим эди.

Гётенинг Фауст шахсига бу таърифи унинг борлиқ тўғрисидаги тасаввурлари инъикосидир деган фикрни туғдиради. Бу ҳолда Фауст нима учун шайтонлар томонидан тилка-пора қилинмаганлиги тушунарли. Чунки муаллиф ўзининг ҳақлигига ишончи комил.

Одатда, трагедиялар фожиали тугайди. Бироқ асар синчковлик билан мутолаа қилинмаса, «Фауст»да бундай яқуннинг ўзи йўқ. Барча трагедияларга танлаш зиддиятлари хос. Англашимизча, танлаш муаммоси борлиқни янада чуқурроқ тасаввур этишнинг давомини танлашдан иборатдир. Бунинг иккита йўли бор, аммо иккаласининг ҳам боши берк, интиҳоси ҳалокатли. Фауст шайтон билан қабиҳ шартнома тузади, Мефистофель ундан нимани исташини, нимани талаб қилишини биледи. Бироқ ўзи учун ниҳоятда фожиали битим уни қароридан қайтаришга ожиз. Чунки у ҳаётини билимларини муттасил такомиллаштириб боришсиз тасаввур қила олмайди.

Олимни севиб қолган бегуноҳ қиз Маргарита Гретхеннинг тақдири ҳам аянчли. У зиндонга ташланади ва ўлимга маҳкум этилади. Ҳолбуки, у ҳали жуда навниҳол:

*Гузал эдим гоят бир замон,  
Хусним мени ўлдирди, аён.  
Ёр ёнимда эди у чоқда,  
Ҳозир эса йироқ-йироқда...*

Шундай қилиб, Гёте асарида, фикримизча, иккита фожиа мужассамлашган. Фауст нима қилиб қўйганлигини англайди, у Мефистофелдан нафратланади, шайтон эса, ўз навба-тида, уни «майда махлуқ» деб атайди. Бироқ унинг Мефистофель билан ёнма-ён бўлишдан бошқа иложи йўқ. Мефистофель бамисоли кў-ланка сингари ундан ажралмайди, бирор да-қиқа ҳам ёлғиз қолдирмайди.

Асар «Бағишлов»ига ҳам алоҳида тўхта-лиш даркор. У, бир қарашда, трагедияга уму-ман алоқадор эмасдек. Муқаддимадан шоир директор буйруқларига итоат этишга рўйхуш бермаслиги равшан бўлади. Зеро, у санъат-кор, ижодкор, қалб амри билан иш кўради. Нима ҳақда ва қандай ёзиш унинг измида-дир. Фауст ҳам ўрта асрлар жамияти қоида-лари асосида яшашни хоҳламайди. У ўз тақ-дирининг соҳибидир.

Гётенинг «Фауст»и ўзида нафис шеърят-ни, мумтоз мукамалликни ва теран фалса-фий тафаккурни мужассамлаштиради.

Гётенинг «Фауст»и инсонларварлик та-факкурининг чўққисидир. Инсон, унинг эҳ-тирослари юксаклиги ва барқарорлиги, ҳаёт ҳақиқати ва мазмуни, бетиним изтиробий изланиш, парвозлар ва тубанлик, Ҳурлик ва Муҳаббатга эга бўлиш ҳақидаги буюк драма-тик эпопеядир.

Гётенинг «Фауст»и мисли кўрилмаган эҳтирослар оташи, ақл қайроғи, битмас-туганмас донолик чашмаси, асрларга ва минг йилликларга татийдиган асардир.

Гёте ота-онаси билан яшаган уйда Инжил ҳар куни мутолаа қилинадиган китоб бўлган. Дин тарихига бўлган қизиқиш унда жуда эрта уйғонган. У Инжилни муттасил мутолаа қилиб улфайган. Гёте Инжил тили – ивритни ўрганган. Исо Масиҳ китобини ивритда ўқиб тугатган.

«Менинг тилларни ўрганишга ва Муқаддас китоб маъносини чақишга бўлган интилишим, – деб эътироф этган эди шоирнинг ўзи, – тасаввуримда гўзал ва шонли мамлакат, унинг атрофидагилар, қўшнилари ҳамда минглаб йиллар муқаддам шу бир парча ерни улуғлаган халқлар ва воқеаларни ҳаётбахш гавдалантиришга олиб келди».

Гёте болалигидаёқ Муқаддас Бешкитобдан катта парчаларни ёд биларди. Франкфуртда ҳурматга сазовор адлия маслаҳатчиси, ҳуқуқшунос бўлган отаси бундан жуда фахрланарди.

Инжил Гёте учун худди шеърий образлар ва сюжетлар булоғи эди. У бутун умрини бахшида этган «Фауст»да «Бағишлов»дан тортиб бош қаҳрамон ўлимнинг яқуний саҳна-сигача «Қадимги аҳд»дагига ўхшаш кўилаб манзаралар, шахсларга дуч келиш мумкин.

Бундай икки юздан ортиқ ўхшашликлар борлиги ҳисоблаб чиқилган. Гётенинг энг севимли китоби бўлган Юҳанно баён этган Муқаддас хушxabардан олинган манзара, айниқса, ўхшашдир. Гётенинг «Бағишлов»ида худди Муқаддас китобдагидек Тангрининг шайтон билан мулоқоти такрорланади.

Инжилда Тангри шайтонга савол беради: «Сен менинг қулим Аюбга эътибор бердингми?» Гёте асарида ҳам Мефистофелга «Фаустни биласанми?» саволи берилади ва «У менинг қулим» деб қўшимча қилинади. Бу ерда гап фақат юзаки ўхшашлик тўғрисида кетаётгани йўқ. Аксинча, бундан жуда теран фикр англанади: инсон синов қилинмоқда, унинг руҳи ҳам синовдан ўтмоқда.

Мефистофель образи Муқаддас китоб руҳида талқин қилинади. Аммо Фауст образида, унинг умидсизлигида (Муқаддима, олимнинг хонасидаги сахна) Экклезиаст китоби, ундаги «беҳудадан беҳуда уриниш»лар ғояси инсон саъй-ҳаракатларининг бесамарлиги аск садо-си ифодасини топган. «Фауст»нинг иккинчи қисмида бош қаҳрамон образида Масихга хос хислат сезилади.

Боқий «Фаустнинг «Бағишлов»и Инжилга тақлиддир. Бу ўзлаштириш Гётенинг ўзи томонидан тасдиқланган: «Менинг «Фауст»идаги манзаралар Инжил тасвирлари билан баъзи ўхшашликка эгаллиги рост, – дейди Гёте



ўз котиби И.П.Эккерман билан инглиз ёзувчиси Жорж Байроннинг тақризини муҳокама қилар экан, – бироқ бунинг учун мен айбланишдан кўра мақташга лойиқман».

Ҳар икки тасвирнинг мос тушганлиги, айниқса, Инжил матни ҳам драматик шаклда баён қилинганлиги назарда тутилган бўлса, бу ҳайрат уйғотмасдан қолмайди. Асарда Мефистофель пайдо бўлишидан олдинги саҳнада, яъни Фаустни душман куч эгаллаб олишидан бир дақиқа аввал олим Муқаддас китоб таржимаси билан машғул бўлади. У Инжил муаллифи хулосасини тузатишни ва уни янгича ифодалашни хоҳлайди. Бундан пайдо бўлган ғурурланиш туйғуси унинг шайтоний кучга изн беришига мойиллик туғдиради.

Инжил биринчи шеъри (сано)даги «Дастлаб Калом бўлган» тарзида қилинган таржима маъқул тушмаган олим даставвал уни «Дастлаб Идрок (Синн) бўлган», сўнгра «Дастлаб Қудрат (Крафт) бўлган» тарзида талқин қилади.

Бироқ у бу таърифларни ҳам рад этади ва, ниҳоят, «Дастлаб Амал бўлган» деган иборага тўхтайтиди. Бу таржима унга ҳатто Масихникига қараганда маънони тўғрироқ ифода этадигандек туюлади. Лекин Фауст ўзининг аввалги икки таърифи сингари буниси ҳам рад этилишга муносиб деган фикрга келади.

«Калом», «Сўз»нинг илоҳий мазмун-моҳияти буюк Алишер Навоий «Хамса»сининг «Ҳайрат ул-аброр» дostonида бутун қирралари билан акс этирилган:

*Сўз келиб аввалу жаҳон сўнгра,  
Не жаҳонки, кавн ила макон сўнгра.  
Чунки мавжуд бўлса нуктаи «кун»,  
Бўлди мавжуд тоза йўқса куҳун, –*

деб ёзади ғазал мулкининг султони. Яъни сўз олам яратилишидан аввал пайдо бўлган. Муқаддас Қуръоннинг Ар-Раҳмон сураси (78-оят) да ҳам шундай дейилади:

«Меҳрибон (Аллоҳ) Қуръонни таълим берди. (У) инсонни яратди. Унга баённи (нутқни) таълим берди».

«Ҳайрат ул-аброр»даги «кун» арабча «к» ва «н» ҳарфлари қўшилиб «кун»ни ташкил этади. «Кун» эса «ярат», «ижод қил» маъноларини англатади.

Ҳазрат Навоий таърифига кўра, «Сўз жон бўлиб, руҳ анинг қолипидир. Кимнинг танида руҳи бор бўлса, сўзга аҳтиёж сезади:

*Жон улуб ул, руҳ анинг қолиби,  
Ким танида руҳ, анинг толиби.*

Дostonда сўзнинг қудратига бағишланган яна жуда кўп ҳам файласуфона, ҳам шоирона мисраларга дуч келамиз:

*Сўз била куфр аҳли мусулмон булуб,  
Сўз била ҳайвон деган инсон булуб,  
Ҳам сўз ила элга улумдин нажот,  
Ҳам сўз ила топиб улук тан ҳаёт.*

Гердер Инжилдаги ушбу матн ва юнонча илоҳий атама – «Логос» («Сўз»)ни шарҳлаб, ўзининг «Янги Аҳд»га «Шарҳлар»ида ёзади: «Сўз!» Бироқ таржима қилинганда немисча «Сўз» илоҳий «Калом» ифодалаган «Мазмун!», «Ирода!», «Амал!», «Фаол Севги!» тушунчаларини бермайди. Гёте борлиқ, тарихийлик ва табиийликни ўз тушунчасига мувофиқ идрок этиб, ушбу таърифларнинг барчасидан «Амал» тушунчасини афзал кўради: «Дастлаб Амал бўлган», – дейилади шеърда.

Кенгроқ мушоҳада қилинса, инсон Инжилдаги ушбу «Калом»дан бошқа ўта теран маъноли, кенг қамровли сўзни излаб топа олиши амримаҳол. Эҳтимол, Муқаддас китобда қайд этилган, Исо аланга орасида эшитган «Алиф удир» («аз ест сый»)ни у билан бир қаторга қўйиш мумкиндир. Бунда «удир» Яратувчига тааллуқли бўлмаган ҳолда «Тангри»ни ифодалашини назарда тутиш жоиз. Инжилдаги «Калом»да эса макон ва абадиятдаги «Яратувчи Тангри» тасвирланган. «Калом» (логос) таърифи бир йўла унисини ҳам, бунисини ҳам мужассамлаштиради.

Бироқ бу ўринда «Калом» дейилганда муайян, лутф этиладиган ва эшитиладиган сўз англамайди. Балки, умуман, «Сўз», яъни туғилишимиз билан руҳимизда пайдо бўладиган «тафаккурнинг маънавий гавдаси» эрмиш «Калом» ва «ушбу маънавий гавданинг моддий либоси – товуш» бўлган ҳамда уни ифодаловчи «Калом» тушунилади. Бу, ҳеч бўлмаганда, инсонга нисбатан худди шундайдир. Инсон нутқ тафаккури билан бирга туғилади, аста-секин ривожланади, тобора кўпроқ муайян маънавий шакл касб этади ва, ниҳоят, ташқи мулоқот амалига ўтиши учун маънавий тасаввурдан руҳий тасаввурга – товуш либосига ўралади. Буларнинг барчасида аниқ мантиқ: ибтидо, равнақ, босқичма-босқичлик мавжуд. Унда чекланганлик, муваққатлик, инсонийлик хусусиятлари кўзга ташланади.

Илоҳий Сўз, аксинча, «Тангри» – ҳам «Яратувчи Парвардигор», ҳам мавжуд бўлган Тангри, ҳам Тангри ҳозир бўлган, ҳам яралган Тангридир». У Тангри иродаси маҳсули, ундаги мавжудот, бироқ у билан қўшилиб кетмаган ва у билан бир хил бўлмаган, ибтидосига эгадир. Чунки у ижод маҳсули ва ибтидосиздир, яъни бевосита илоҳий ижоддир. Тангри эса абадиятда амал қилади. Абадиятда эса шундай бўлган, шундай ва шундай бўлади. Булар айтини бир нарсадир.

Фаустнинг Инжилдаги бу муқаддас иборани бутун мукамаллиги билан ифода этишга муваффақиятсиз уриниши мазкур тушунча қанчалик кенг қамровли эканлигининг ёрқин тимсолидир.

Фауст томонидан қўлланилган «Калом», «Идрок», «Амал» ифодаларининг ҳар бири ўзида Инжилда мукамал ҳолда ифодаланган «Калом»нинг фақат бир қисми, холос. Ҳар қандай ижодиёт учун:

биринчидан, «Идрок» (ният, режа ва ибтидо);  
иккинчидан, «Қудрат» (имконият ва восита);  
учинчидан, «Амал» (содир этиш ва интиҳо)  
зарур.

Ҳар ҳолда, инсонга хос барча ижодиётлар шу тарзда кечади.

Илоҳий ижодда собитқадамлик йўқ: унинг идроки, айнаи вақтда, восита ва амалдир. Буларнинг барчаси эса, айнаи вақтда, унинг ўзидир. Мазкур тушунчаларнинг барчаси Инжилдаги «Калом»да жам бўлади, унда «Идрок», «Идрок шакли» ва «Идрок ифодаси» мужассамлашган.

«Калом» (Инжилдаги маъносида) фақат Тангрига тегишлидир; инсон уни англай олмайди. Инсон фақат моҳияти кенг қамровли, Тангри Каломининг худди атомларидек бўлган «Суз»га эга. Бундан Тангрининг «Калом»и

– Тангрининг ўзи деган хулоса келиб чиқади. Буни тасаввур этиш учун ҳаётий ўхшатиш келтириш мумкин. Бутун бир иморатни унинг бўлаклари таркибига кирадиган зарралар орқали тасаввур этиб бўлмайди. Худди шунингдек, «Калом»ни ҳам инсоний сўз орқали ифодалаш мумкин эмас.

Бизнинг барча сўзларимиз, яъни биз ифодалаган ва ифодаламаган, алоҳида ва жам қилинган фикрларимиз бирор яхлит нарсанинг иарчаси, холос. Бу занжир қанчалик улкан ва у нималарни қамраб олганидан қатъи назар, унинг биринчи ҳалқаси абадиятга, ҳамма нарсани англлатувчи Каломга, Тангрига занжирбанд бўлмаса, ҳеч нарсага тегишли бўлмаган бир бўлакдир, холос. Бу охириги ҳолатда У узлуклик хусусиятига эга бўлмайди. У, Паскалнинг таърифича, маркази ҳамма жойда, айланаси эса ҳеч жойда бўлмаган доиранинг тўғридан-тўғри радиусидир.

Барча буюк асарлар сингари Гётенинг «Фауст»и ҳам фалсафий ҳикматларга бой. Бу беҳуда назарияпарастлик билан жонли турфанг ҳаёт ўртасидаги номувофиқлик ҳақидаги машҳур таърифга ҳам тааллуқлидир:

*Назария – қуруқ оғочдир,  
Аммо яшнар ҳаёт дарахти.*

Доимо барҳаёт «ҳаёт дарахти» фалсафаси бизга тарихий, маданий манбаларга ғоят эҳтиёткорлик билан, таъбир жоиз бўлса, гётеча муносабатда бўлишни тақозо этади. Гётенинг ижоди Киплинг ғояси асосизлигини очиқравшан исботлайди. «Гётенинг Шарқ фалсафасига яқинлиги менинг йўлимни ёритиб турди, руҳимга мадад бўлди», – деб ёзган эди Э.Воҳидов.

Буюк немис шоири Шарқ маданиятини, хусусан, Шарқ мумтоз адабиётини жуда яхши билган. Хусусан, у Ҳофиз шеъриятига таъзим қилган, ўзи унга шогирд тушишга тайёрлигини билдирган. «Фауст»даги бир лавҳа фикримизни яққол исботлайди. Чунончи, Фауст худди Шарқ дostonлари қаҳрамонларидан Фарҳоддек замин қаъридаги кўзгуда тенгсиз бир малак суратини кўриб, ун тўрт яшарли соҳибжамол Маргаритага ишқи тушади:

*Ёйилмай, таралмай ул тутам булут  
Оҳиста шарқ томон учиб кетмоқда.  
Мен ҳайрат ичида унга боқурман:  
Ана шу юмалоқ шаклидан аста  
Бошқа кўринишга ўтди.  
У турли сувратлар  
Қаршингда қилур намоён.  
Ростми бу кўрганам? Нурга йўғрилган  
Юксак чуққи узра бўлади пайдо  
Маъбудалар каби гузал бир аёл.*

Бугунги кунда жаҳоннинг ҳамма мамлакатларидаги инсонлар, қайси динга эътиқод қилишлари ёки ҳеч бирига эътиқод қилмасликларидан қатъи назар, тарихий, шу жумладан, диний меросга ҳам Гёте каби ҳурмат билан ёндашганларида, «карикатуралар можароси» каби жиддий зиддиятлар рўй бермасди, ислом дини моҳиятини тушунмасдан уни терроризм билан боғлашга беҳуда уринишларга йўл қўйилмасди.

Шу нуқтаи назардан, исломга муносабатни ҳам Гётедан урганиш керак. Бетакрор ижод соҳибининг асарлари, шу жумладан, «Фауст» ҳам динлараро, маданиятлараро, миллатлараро бағрикенглик намунасидир. Улар Шарқ ва Ғарб цивилизацияларини уйғунлаштириш мақсадларига ҳам хизмат қилмоқда дейиш учун ҳамма асослар бор.

Шунинг учун ҳам Гётенинг буюк «Фауст» трагедиясидан келиб чиқадиган пировард хулоса қуйидагича:

*Ким эрк, ҳаёт деб жанг қилолса ҳар кун –  
Эрку ҳаёт учун ўша муносиб!*



## УЗБЕКСКИЙ «ФАУСТ» ЭРКИНА ВАХИДОВА<sup>29</sup>

*«Есть величайшая  
смелость: смелость  
изобретения, соз-  
дания, где план об-  
ширный объемлетя  
творческой мыслью,  
– такова смелость...  
Гетё в «Фаусте»...  
